

## ДОСТОНЛАР ЗУВДАСИ

Атоқли шоир-қиссанын Раҳматулла Юсуф угли «Гүрүгли» түркүми достонларини шундай атаган эди. Мен буни эслар эканман, бу улкан достончининг заковатига, биргина ибора билан халқимиз эпик ижодиётидаги бундай буюк ва ноёб ҳодисага гоятда тұғри ва шоирана баҳо берә олғанлигига яна бир бор қойил қолдым. Чиндан ҳам «Гүрүгли» достонлар гултожи, құшиқтар сараси, халқимизнинг қалбидан қуянилиб ва қулоқлашиб оққан шеърият қаймогидир.

«Гүрүгли» достонлари күргина халқлар орасыда жуда көңг тарқалған. Бу достонлар үзбек, тохик, туркман, озарбайжон, түрк, қозоқ, қорақалпоқ, арман, грузин, курд халқлари эпик ижодиётіда үзіга хос түркүмларни ташкил этадилар. Гүрүгли Сибирь татарлари, Булғор түркларининг севимли эпик қаҳрамонларидан биридир. Туркүмнинг айрым лавҳалари Үрта Осиә (Бухоро) арабларидан ҳам ғана олинған. Бундай көңг ҳудудда, асосан, түркій алаттар ва қысман түркій бүлмаған халқлар орасыда көңг тарқалған, түркүмлашишшынг барча хилларини үз ичига олган бунчалик күп тармоқлы бирор бир эпик асарни дүнә фольклорчилиги билмайды. Бундай үртоқ мерос орасыда юзлаб халқ бахшилари иштирокида яратылған үзбек «Гүрүгли» достонлари алоҳида үрин тутады.

«Гүрүгли» түркүми достонлари Үзбекистоннинг барча ерларидан яшаган бахшилардан, шунингдек, жумхуриятимиздан ташқаридан яшовчи үзбеклардан ҳам ғана олинған. Үзбек «Гүрүгли»си бошқа халқлар «Гүрүгли»сидан үзининг боқийлиги, достонлар хилма-хиллиги, түркүмлашишшынг мураккаб жиҳатларига асосланғанлиги, унда қаҳрамонона үтмис мисесиз романтик лавҳалар орқали көңг күламда тасвирланғанлиги, халқ ҳаёті, урғ-одатлари, дүнәқарашлари ҳаққоний, ҳайратомуз бадий ифодаланғанлиги билан ажralиб турады.

«Гүрүгли» достонларини күп билған ва гүзал күйлай олган бахшилар уларнинг сонини «қириқ» рақами билан белгилайдилар. Аммо, уларнинг ҳаммасын тұла билған бахшилар аниқланған әмас. Фақат айрым бахшиларнинг «Гүрүгли» достонларини күп билғанлиги қайд этилған, холос. Бизнинг кузатишпимизча, «қириқ» рақами анъанавий

булиб, у ҳақиқиүй ҳолни ифода этмайды. Аслида узбек алида тарқалган «Гүрүгли» достонларининг сони юздан ошади. Ҳозиргача фольклоршунослар томонидан ғизиб олинган ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти Фольклор архивида сақлананаётган «Гүрүгли» достонларининг сони олтмишга борди. Туркумнинг вариантлари ва Хоразм «Гүрүгли» си бу ҳисобга кирмайди. Хоразм достонларини махсус үрганган профессор С. Рўзимбоевнинг фикрича, воҳада тарқалган «Гүрүгли» достонларининг умумий сони йигирма тўрттадир. Шундан ўн саккизтаси ғизиб олинган. Бунга ҳалигача ғизиб олинмаган, унтулиб кетган «Шодмонбек», «Дониёрхўжа», «Ойдиной», «Холдор бувиш», «Бектош араб», «Аҳмад Сардорнинг суюги», «Аҳмад Сардор ва Ҳасаншоҳ», «Аҳмад Сардор ва Аваз», «Шерали» каби унлаб достонларни қўшсак, юқорида айтилган юз рақамига яқинлашиб қоламиз. Ғизиб олинган достонларнинг баҳшилар ўртасида бўлинниши ҳам бир хилда эмас. Масалан, атоқли баҳши Эргаш Жўманбулбул углидан 5. Фозил Йўлдош углидан 10, Ислом шоирдан 3, Пўлкан шоирдан 16. Бекмурод Жўрабой углидан 2, Сайдмурод Паноҳ углидан 1, Умир Сафар углидан 3, Марданақул Авлиёқул углидан 2, Раҳматулла Юсуф углидан 27 достон ғизиб олинган.

«Гүрүгли» туркуми достонларини үрганишда бош қаҳрамоннинг эпик биографиясига мос равища уларнинг бирин-кетинлик тартибини белгилаш ҳам муҳимдир. Атоқли фольклоршунос Ҳоди Зариф 1941 йилда нацпр этилган «Равшан» достонига ёзган сўзбошисида 39 достоннинг шундай бирин-кетинлигини белгилаган эди. Хоразм достонларини киритмаган ҳолда ғизиб олинган «Гүрүгли» туркуми достонлари силсиласини биз қўйидагича белгиладик: 1. Гурӯглиниң тугилиши. 2. Гурӯглиниң болалиги. 3. Чортокли Чамбил. 4. Зайдиной. 5. Юнус пари. 6. Мисқол пари. 7. Гулиор пари. 8. Қирқ йигит билан қирқ қиз. 9. Ҳасая кўлбар. 10. Райҳон араб. 11. Шоҳдорхон. 12. Замонбек. 13. Хидирали албеги. 14. Бердиёр оталик. 15. Эломон. 16. Холдорхон. 17. Гурӯглиниң Қrimга бориши. 18. Говдароз дев. 19. Беш подшоининг Чамбилга ёв бўлиб келиши. 20. Шоқаландар. 21. Рўзакон. 22. Есқила. 23. Ҳасанхон. 24. Чамбил қамали. 25. Далли. 26. Аваахон. 27. Гулқизой. 28. Ойгулқизининг вафоти. 29. Интизор. 30. Малика айёр. 31. Машриқ. 32. Зулфизар. 33. Бутакўз. 34. Қундуз билан Юлдуз. 35. Сарвиноз. 36. Балогардон. 37. Аваазнинг арази. 38. Аҳмад Сардорнинг улимга буюрилиши. 39. Авааз углоннинг Румга қочиши. 40. Аваахоннинг улимга ҳукм этилиши. 41. Гирдоб. 42. Ҳонимой. 43. Хушкелди. 44. Олтин қовоқ. 45. Зайдқул. 46. Гулихиромон. 47. Зарнигор. 48. Ога Юнуснинг олиб қочилиши. 49. Равшан. 50. Нурали. 51. Нуралиниң ёшлиги. 52. Балхивон. 53. Жорхон мастан. 54. Сумбулсоҷ бека. 55. Нурали ва Қари Аҳмад. 56. Нуралиниң ютилиши. 57 Малла саадогар. 58. Жаҳонгир. 59. Эргули (Шаҳиднома, Гурӯглиниң улеми, Гурӯглиниң гойиб бўлиши).

Бир қараща достонларнинг бундай бирин-кетин қўйнилиши, уларга муайян тартиб берилиши ортиқчадек туюлиши мумкин. Чунки, уларнинг ҳар бирини китобхон ёки тингловчи мустақил достонлар сифатида қабул қила беради. Аммо улар яхлит олинганда, ҳалқимизнинг бадиий анъаналари ва эпик қонуниятлар асосида қачонлардир

етакчи бахшилар ва достончилик мактаблари вакиллари томонидан бир қаҳрамон — Гурутли атрофига бирлаштирилган. Агар бу силсила достонлар ўзбек халқи ҳаётини, турмуши ва машнатини, орзу-умидларини, ахлоқий-эстетик, ижтимоий-снёсий ва фалсафий қарашларини, унинг қаҳрамонона ўтмишини кенг кўламда тасвирловчи буюк бир эпопея сифатида бир жилд остига тупланса, қарийб бир миллионга яқин насрой ва шеърий сатрларни ташкил этардики, бундай бекиёс эпик ижодиёт халқимиёнинг юксак ижодий салоҳиятнин янада ёрқинроқ кўреатган бўлар эди. Бундай вазифани улдалашига эса, ёзиб олинмаган достонларни топиш ва уларни ёзиб олиш, уларга муайян тартиб бериш, туркумнинг узилган ҳалқаларини тиклаш орқалигина эришиш мумкин.

Ана шу улкан бойликнинг каттагина қисми бизга таникли халқ шоири, ўзбек достонларининг улкан билимдони, ажойиб қиссанахон-достончи Раҳматулла Юсуф ўғли орқали етиб келди. Раҳматулла Юсуф ўғли 1917 йилда ҳозирги Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани Эргаш Жуманбулбул ўғли номидаги давлат хўжалигининг Қоракиса қишлоғида овчи-дехқон оиласида туғилди. Ёшлигидан халқ ижодига қизиққан ва шу руҳда тарбияланган Раҳматулланинг бутун ҳаётини асосан шу қишлоқда ўтди. Тўқиза ёшида бобоси қўлида эскича саводини чиқарган Раҳматулла араб ва форс тилларини ўргана бошлади, бадиий ижод бўдан шугулланди.

Раҳматуллани ўзбек халқ достончилик санъати бутунлай ўз сеҳрига олди. У достончилик сирларини пухта ўрганиш мақсадида замонамизнинг атоқли достончиси Эргаш Жуманбулбул ўғлига шогирд тушди. Эргаш ота вафотидан кейин достончилик таълимимни бошқа бир улкан халқ санъаткори — Пўлкан шоир қўлида олишни давом эттириди. Натижада у 22–23 ёнларida мустақил достончи-қиссанахон бўлиб этишиди.

Раҳматулла Юсуф ўғли узоқ йиллар давомида Жўшдаги мактаблардан бирида кутубхоначилик қилиш билан бирга ўзи билган халқ достонлари ва термаларини эл орасида айтиб юрди. У қирқдан ортиқ халқ достонларини, жуда кўп эртак ва термаларни ёд билар эди. Раҳматулла 1946 йилда Тошкентда ўтказилган халқ ижодкорлари олимпиадасида қатнашиб, катта муваффақиятларга эришди. Унинг достон ва термалари шу йилдан бошлаб ёзиб олина бошланди. Уларнинг кўпларини шоирнинг ўзи ёзиб, фольклор архивига топширди. Чунки у араб, лотин, кирилл алфавитлари асосидаги ўзбек ёзувларини пухта билар эди.

Раҳматулла Юсуф ўғли халқ ижоди йулида баракали ижод этган шоир ҳамдир. Унинг шеър ва термалари 1943 йилдан бошлаб вақтли матбуотда мунтазам босилиб турди. У айтиган «Тоҳир ва Зуҳра», «Вомиқ» билан Узро», «Варқа билан Гулшоҳ», «Зевархон», «Суманбар» каби достонлар алоҳида китоб бўлиб нашр этилган, тўпламларда бир неча эртаклари босилган.

Раҳматулла Юсуф ўғли халқ ижоди намуналарини тўплашда ҳам фвол иштирок этди. У Самарқанд вилоятига уюштирилган барча фольклор экспедицияларининг доимий иштирокчиси ва йўл кўрсатувчиси эди. Шоир 1987 йилнинг 27 июлида ўз қишлоғида вафот этди.

Раҳматулла Юсуф ўглидан жуда катта фольклор бойлиги мерос бўлиб қолди. Унинг каттагина қисмини 27 номдаги «Гурӯғли» туркуми достонлари ташкил этади. Бундан ташқари шоирдан «Алномиш», «Қиронхон», «Ези билан Зебо», «Заркокил» достонлари, жуда кўп термалар, артаклар, ривоятлар, нақллар, атамалар ёзил олинган.

«Гурӯғли» туркуми достонларнинг шоир томонидан қаламга олиниши ва фольклор архивига топширилиши ўз тарихига эга. Туркум достонларининг ўзи билган намуналарини биринчисидан охиригисигача ёзил чиқиш нияти поинринг ўзида пайдо бўлган эди. Аммо ўз вақтида атоқли олим Ҳоди Зариф нима учундир бу ниятни қўллаб-қувватламишган. Бизанингча, Раҳматулла Юсуф ўглиниң дўмбира жўрлигига достон куйламаганлиги, балки уларни оғзаки айтганлиги олимни ўйлантириб қўйган бўлса керак. Аммо Ҳоди Зариф Раҳматулла Юсуф ўглини халқ ижодининг катта билимдени ва ўзига хос ижроиси сифатида қадрлар ва унга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлар эди. 1962 йилнинг июл-август ойларида Ҳоди Зариф бошчилигига камина, Малик Муродов, Зубайда Ҳусайновалар Самарқанд вилоятида фольклор экспедициясида бўлганимизда бу масала яна кўтарилди. Бу гал устоз Эргаш шоир ҳам дўмбира чеरтишин ташлаб, халқ достонларини оғзаки айтib юрган пайтлариди ёзил олиш ишлари бошланганлигини айтib, рози бўлдилар. Аммо сунъийликка йўл қўймасликни, халқ ўртасида қандай куйланган бўлса, шундайлигича, устозлардан қай даражада урганилган бўлса, шундайлигича ёзил чиқишини қатъий тайинладилар. Раҳматулла ака бу ишга 1964 йилнинг 8 октябридан киришди ва қарийб бир ярим йил давомида уни аъло даражада бажарди.

Энди шоирнинг ўз дастхатларида достонлар орасида берган изоҳларига суюниб, «Гурӯғли» достовларининг қаламга олиниш жараёнини кузатайлик. Чунки, туркум достонларининг кетма-кетлик тартибини халқ шоирининг ўзи белгилashi ва шундайлигича қаламга олиниши узбек фольклоршунослигига биринчи тажрибадир. Қўлёзма шундай бир муҳим тушунтириш хати билан бошланади: «Бахши ва шоирларнинг катта устозларидан бири: «Қарилликнинг ҳадди қирқ беш ёшдан то охир умргача», — дебдир. Лекин бу замонда барча ёшимсигари<sup>1</sup> каби мен ҳам ёшимсн<sup>2</sup>, қирқ еттидан қирқ саккизга ёшим утаётган вақтларимда ҳам ҳали анча бола феъман. «Хотин қаёқдан булади деса, шу овулнинг қизларидан булар экан», — деб бирор айттан экан. Шунга уҳшаб чол бобойлар қандай қилиб чол булади деса, менга уҳшаган болалардан булар экан-да. Мана бир қарасам, батъзи шамоли ўнг келган мендан уч-тўрт ёш кичкина йигитлар келинли, набирали бўлиб қолибди. Иисоҳ юзасидая шунга қараганда, мен ҳам бобойлар қаторига утибман-да. Тишлар тушиб, сочу соқоллар оқариб, бобойликнинг аломатлари ҳар кимда ҳам бошлангандан кейин, агар киши улмаса, бу ёгини ҳам муқаррар кўради-да!

Шайтиб, бу соглом қувватларимни бекорга утказиб юбормасдан, бу ширин дамларни ганнмат билиб, замиримда озми-кўпми мавжуд бўлган

<sup>1</sup> Ешлик даври.

<sup>2</sup> Болалик даври.

шонрлик таъбимни қадрлаб, улуг бахши Эргаш Жуманбулбул, Мұхам-мадқул Шукан ва бошқа бир неча бахшилардан эшитиб, қалбимда ҳифз айлаб<sup>1</sup> келаётган достонларнинг зұбдаси<sup>2</sup> ҳисобланғаны «Гүрүгли» достониниң қарийб үттиз йилдан бүн солишириб, үрганиб келаётганим натижасини ҳосилга эндирсем, албатта, өмөн иш бұлмас, деб үйлайдман.

Маълумки, «Гүрүгли» достонининг если ҳолига жуда күп бахшилар томонидан құпилиб, чалкашиб кетган. Бунга сабаб: кишиларнинг бахшиларга «Хеч әшитмаган достон айтты беринг», - деган талабига биноаң гапта чечанроқ бахши даржол, масалан, Авағхон ундей қилди, бұлдай қилид, деб йұқдан бир ажойиб достонни қотириб, ясағ айттан. Ана шундай қилиб, Жассоқ бахши Саңғзор бетта бир борғанида, «Кийик ва тошбақа» деган достонни «Гүрүгли» достонлари ҳисобидан айтгая, деган гап бор.

Әнди мен, Раҳматулла Юсуф угли, ана шундай тұқима достон ешшларга төвба қилиш билан бирлікда, шу «Гүрүгли» достонини изоҳлақ, тузиб, тұплашни үз зиямамда қарз ҳам фарз деб билдім. Негаки, шу үттән устозларнинг сүнгги давомчеси эканлыгым намоён бүлжиши керак-ла».

Шоирнинг бундай изоҳлари фан учун ниҳоятда мұхимлигнини ҳисебға олиб, ҳар бир достонга берган номи ва рақамини ҳам күрсата берамиз:

«Биринчи достон: «Гүрүглининг тугилиб усиши».

Иккинчи достон: «Гүрүглининг болалиги».

Учинчи достон: «Чортокли Чамбило».

Түрттінчи достон: «Райхон араб».

Бешинчи достон: «Юнус билан Мисқол».

Олтинчи достон: «Ҳасанхон».

Еттінчи достон: «Қырқ йыгит ва қырқ қызы».

Бу достончаны 1946 йилнинг ғазида Мансур Афзаловнинг амри билан Ҳожияй мендан ғазиб олиб, уша вайтдаги Узбекистон Фолклор академиясининг илмий-текшириш институтидаги фольклор секторида сақлашыла олиб қолған эди. Шүйтіб, яна бу ерда ғазиб үтиришга қожат бүлмади. Албатта, фольклор секторидаги құләзмалар йүқолмас-йіттес. Мавзудор бу достончаны үқийман деган үқувчиларга уша жойдан олиб үқишни ҳавола айлаб, бу ерда сүзимни мухтасар этдім».

Ҳақиқиәтден ҳам мазкур достонни 1946 йилда Фольклор булимининг уша пайтдаги ходимаси Ҳожия Шокирова ғазиб олиб, архивга топширган экан. Шоир үзининг наадидаги олти достонни үз ичига олған биринчи китобни тутгаллар экан, құләзма сүнгтида яна бир неча изоҳлар ва бир түртлік терма илова қиласы: «Шундай қилиб, «Гүрүгли» достонлари мажмусасининг аввалғы биринчи китобини тутатдым. Лекин бу китобнинг баъзи достонларыда ағсаналар ва фалсафий сүз үйдирмалари ҳам йүқ әмас, албатта. Агер шундай қилинмаса, яъни масалан, «Юнус ва Мисқол» достонининг үрни бүш қолдирилиши керак бўлиб қолар эди.

<sup>1</sup> Едда сақлаб.

<sup>2</sup> Сараси, қаймоги.

Шунинг учун баъзи хатоларни ўқувчилар йўлганга жўймасдан, танқидий ёки фалсафий назария билан қареб ўтар, деган умиддаман. Шунинг билан иккинчи китобни ёзишга ўтаман. Кузимга, ўзимга ва тизимга кучу қувват ҳосил бўлгай, деб умид қиласман».

«Халқда бу китобни тўртбеш марта ўқиб бериб, аларнинг олдидан утганимда, баъзи кишилар: «Аҳмад Сардорга Гурӯглибек мулла тишов қилиб берди», — деган жойини олиб ташлашин тавсия этдилар. Албатта, хулуси қаломни<sup>1</sup> миридан сиригача айирувчи ўртоқлар ундей жойларини ўзлари ислоҳга келтирурлар, вассалом».

•Раҳматулла, худой сенга тил берди,  
Осмондан, заминдан кенгиш дил берди,  
Оразу-дилинг кўчирмакка қўл берди,  
Шукрини адо қил, энди вақтидир•.

Шоир «Гурӯгли» мажмуасининг иккинчи китоби қўлдёзмасини шундай изоҳлар билан бошлайди: «Маълумки, «Гурӯглибекнинг Аваҳонни олиб келгани» деган достон инқилобдан аввал Қозон ва Тошкентда саводгарлар томонидан нашр қилинб, тезлик билан бутун узбеклар элатига тарқалган эди. Мазкур китобчанинг Тошкент босмаси бўлган «Гурӯгли ботасвири» бизнинг овлуга ниҳоят, 1927 йилда етиб, ўша вақтдаги ҳамма достончи, баҳшиларнинг, ҳатто «раб ҳарфиши ёзилган китобнинг ҳаммаси рост», — деб тушувган улуг Эргаш Жуманбулбул углининг ҳам замирига сингиб, мазкур достоини аввалидан ҳар бирлари турлича айтиб юрганилари ҳам йўқолиб, китобнини айтмоқ керак, деган фикр пайдо бўлган. Шундай қилиб, барча баҳшиларга ёйилиб, кейинчалик ўша нашрдан чиққанига ухшаган қилиб айтмоқ одат бўлиб кетди.

Ҳозир, масалан, бир кичикроқ баҳшидан: «Мазкур достониниг бошқа хили ҳам илгари айтилармиди?» — деб сўралса, «Йўқ», — деб қисқа жавоб беради. Аслида, яқингинада ҳам мазкур достоннинг биринки хилда куйланишини унубиб юборишган. Мен шу аввалиги ариқларни қазиб, мазкур достоннинг бошқа бир хилини баёнга келтирмоқчиман. Албатта, эшиттаниларга раҳмат ва майда баҳшилар учун кўмилган ариқларни очиб берсам, шунинг ўзи менинг учун бир катта шарафдир».

«Эргаш Жуманбулбул угли билан Пўлкандан бошқа мен суҳбатидан баҳраманд бўлган баҳшиларни номба-ном такрорлайман. Биринчи. Уста Холқул — қоракисалик, Эргаш ота шогирди, қариб Пўлканча бор эди. Иккинчи. Бўта баҳши — Енбошдан. Учинчи. Этамбарди баҳши. Тұртнинчи. Саримсоқ баҳши — қоракисалик, 1938 йилда улган. Булар чиқиб баҳшилик қилган. Бешинчи. Норқул қора, ҳозирги аёлимнинг отаси. Ву чиқиб баҳшилик қилмаган. Кичикроқ баҳшилардан: Абдулла баҳши — чиноқлик. Хўжа баҳши — бурганлик. Жолгош баҳши. Қўлдош усталар — қўргонлик. Энг майда баҳшилардан: Фармон, Марди, Қурбонқул баҳшилардир. Аммо Тошниёза баҳши китобдан йўлаб ўқувчи баҳши эди».

«Саккизинчи достон: «Гурӯглибекнинг Аваҳонни олиб келгани». •Тўққизинчи достон: «Хон Даъли». Бу достон «Ҳасанхон» номи билан

<sup>1</sup> Самимий сўз.

Эргаш Жуманбулбул ўгли томонидан Тошкентта ғазиб берилгап. Шуннинг учун устоднинг юзини босмайин, деб бу достонни қайтадан ғазиб утирамадим.

Үнинчи достон: «Авазхоннинг қочиши». Бу достон ҳам ишқилобдан илгари нашр этилган. «Авазхоннинг қочиши» достонидан деярлик фарқ қилмайди. Шуннинг учун бу ерда яна қайтариб ғазиб юрмадим.

Ўн биринчи достон: «Авазхоннинг уйланиши».

Ўн иккинчи достон: «Говдароз дев».

Ўн учинчи достон: «Чамбилга беш подшонинг ёв бўлиб келиши».

Ўн туртинчи достон: «Сарвиноз».

Ўн бешинчи достон: «Ҳасан кўлбар воқеаси».

Учинчи китоб қўлъемаси шундай изоҳ билан бошланади: «Бу достонлар, яъни мен «Аваз ўглон» деб атаган «Гурӯгли» китобларининг учиячисига киритилган достонларнинг бироз қисмини 1933—1934 йилларда Эргаш ота ғзиб, чала қолдирган. Афсуски, уша вақтларнинг узида Тошкентта алтиб беролмай, йўқотиб юборган эди.

1935 йилда мен ҳам уша потамом китобни үқиб чиқкан эдим. Уша вақтда үқиб чиқкан, бу «Аваз ўглон» китобига киритилган батъзи қисмларни Эргаш Жуманбулбул утдининг сюжет тузиши асосида ғазидим. Қолган бопқа қисмларини каттали-кичили баҳшилардан эшитишим асосида ғзиб, ихчамлаштиридим, услубларини узим ўз тилим бўйича анча силлиқлаштиридим.

«Гурӯгли» достонларини жовлик қилиб тупласам, деб 1948 йилда улуг олим, баҳшиларнинг баҳшиси, Афлотун миниш Ҳоди Тиллаевич Зарифов акага хат ғэзган эдим.

Менга толе ёрлиқ қилиб, 1965 йилда «Гурӯгли» достонларини тұплаб, ҳозирча иккى китобини ғазиб тамом қилиб, учинчи китобики, «Аваз ўглон» дир. Яна баҳту иқбол менга ёр, толеим мададкорлик қиласа, бу егини ҳам ғазиб тугатарман. Мендан шу китобимни үқиган ва эшиитганларга салом».

«Ўн олтинчи достон: «Гурӯглининг Аҳмад Сардорни үлімга буюриши».

Ўн еттинчи достон: «Авааз ўглоннинг Румга қочиши».

Ўн саккизинчи достон: «Балогардон».

Ўн тўққизинчи достон: «Чамбил қамали».

Бу достонни Эргаш Жуманбулбул ўгли ва Пўлкан билган, деб эшиитганман. Лекин узим на Эргаш Жуманбулбулдан, на бирор бопқа баҳшидан, ҳеч бўлмаса, қиссасини ҳам эшиитмаган эдим. Фақат дарсликда кўрдим. Бу достонни Эргаш отанинг Тошкентта ғзиб бердим деганини ҳам эшиитмаган эдим. Бинобарин, бу ерда достоннинг ўрнини қўйиб кетдим.

Йигирманчи достон: «Ойгулқизнинг рафоти».

Йигирма биринчи достон: «Хушкелди».

Бу достонни «Хушкелди» номи билан Эргаш Жуманбулбул ўгли уз вақтида Тошкентта ғзиб берган. Мен ҳам 1958—59 йилда поэма тарикасида қисқа қилиб Тошкентта ғзиб берган эдим. 1959 йилда профессор уртоқ Решитов лентага ҳам олган эди. Шуйтиб, бу ерда ўрни қолдирилди».

чунки у ҳалқ достонлари услубига мос эмас. Буни шоирнинг ўзи ҳам тан олган.

Бу ўринда яна иккита истисно ҳақида сўзлашга тўгри келади. Гап шундаки, «Рўзахон», «Есақила» асарлари «Гўрўғли» туркуми достонлари руҳига учча мос келмайди. Улар Қўргон достончилик мактаби вакилларининг кейинги даврлардаги «янгилиги» ёки Раҳматулла Юсуф угли репертуарида тўла равишда «ўзлашмаган» намуналар булиши мумкин. Ҳалқ достончилигининг барқарор жонли анъаналари сўна бошлигаган даврларда баҳшилар репертуарида шу хилдаги иамуналарнинг пайдо булиши табиийдир. Шунингдек, «Бозиргон», «Хиромон дали» каби Хоразм достончилари репертуари билан боғлиқ «якка ҳодисалар» сифатида қарамоқ зарур.

«Гўрўғли» туркуми достонлари яхлит ҳолида биринчи марта нашарга тайёрланди. Бунинг устига, бир достончи, қиссанон-шоир репертуари асосида бундай нашрни амалга ошириш илк тажриба ҳисобланади. Умид қиласизки, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтининг «Езуви» нашриёти билан ҳамкорлигига юзага келган бу тажрибани диди беланд китобхонларимиз хушнудлик билан кутиб оладилар. Зоро, ушбу нашр ҳалқимиз ижодининг яна бир ёрқин саҳифасини бўй-басти билан намойиш этгусидир.

*Тура МИРЗАЕВ  
филология фанлари доктори,  
профессор.*

## ГҮРҮГЛИНИНГ ТУГИЛИШИ

Бир вақтлар Туркман эли Урганчга қарап эди. Замонлар ағдарилиб Урганч подшолиги барҳам топиб, Урганчда бир подшо турадиган бўлиб қолди. Ундан кейин така, ёвмит, эрсари, кўкланг туркманларининг оқсоқоллари бир жойга йигилиб, Огалибек деганни подшо кутариб, Ёвмитни урталиқ, деб Ёвмитда бир қулай жойни Огалибекка урда қилиб бериб, бозор юргиздириб қўйдилар. Туркман чочув ўтирганлиги сабабли қизилбошлар ҳар доим туркманга ёв бўлиб келиб, бу ёгидан, у ёгидан талаб, мол, одам үлжа қилиб кетар эди. Огалибек ҳеч қизилбошнинг уддасидан чиқа билмас эди. Огалибекнинг Гаждумбек, Ҳасанбек, Аҳмадбек деган уч ўгли бор эди. Гаждумбек билан Ҳасанбек, отаси Огалибекнинг қирқ йигитлари эл қўриб юрар эди, Аҳмадбек бўлса, ҳали ёш эди.

Кунлардан бир кун қизилбош ютидан бир катта ёв келиб, туркманни кўп овора қилиб, Огалибекни улдириб, туркмандан ўгил-қиз асир қилиб кетди. Шу талотўпда Гаждумбек билан Ҳасанбек ҳам банди бўлиб кетган эди. Қизилбошларнинг подшоси Хунхороҳ Гаждумбек билан Ҳасанбекни текшириб, Огалибекнинг ўгиллари эканини билиб: «Туркманнинг белгили ўглонлари экан, буларнинг орқасидан элати оёққа турмасин», — деб хавф қилиб, Гаждумбек билан Ҳасанбекни озод қилиб, ютидаги бир тўда озод қилинган туркманларга Гаждумбекни бошлиқ қилиб, шаҳарнинг бир четидаги қўриқни буларга ер қилиб берди. Шу ерда Гаждумбек бир тўда туркманга бош бўлиб, бечорачилик билан тинч яшай берди. Ҳасанбек бўлса, бир тўда мол қилиб, бой

бұлиб, құриқда туркманлар билан яшар әди. Гаждумбек бұлса, шағарда туриб, ҳар замонда құриққа келиб-кетиб турар әди. Булар шу ақволда қызилбош ютида яшай берсін. Энди туркман ютидан әшитинг.

Оғалибек үлдирилгандан кейин туркман юрти яна бе-подшо қолиб, әлат оқсоқоллари йигилиб, Жигалибек деган биттасини подшо күтардилар. Аммо Жигалибек жуда қары одам әди. Унинг Равшанбек деган бир ёш үгли бор әди. Равшанбек каттариб йигит бұлиб, қирқ йигит билан злат құрийдиган бұлды. Энди гапни Хунхордан әшитинг.

«Туркманлар яна тикланиб, Жигалибек деганни подшо күтариб, яна қирқ йигит қилиб, злат құритиб юрган әмиш, — деб әшитиб, — шу туркманларни тоза үзимга қаратиб, бож-хирож тұлатиб қўймасам», — деб жуда күп қўшин қилиб, туркманга бостириб келиб, Равшанбекни ушлаб, банди қилиб, минг-минглаб молини үлжа қилиб, ҳайдаб кета берди. Шунда Жигалибек қызилбошнинг саркардаларига қараб алжираб, довдираб: — Энди мени ҳам үлдиринглар. Мен то тирикман, сизларга хирож бермайман, — деди. Қызилбошлар Жигалибекни үлдириб, Оғалибекнинг үгли Аҳмадбекни топтириб келиб: — Сен Хунхоршоҳ томонидан туркманга бек бұлиб, бож-хирожини Хунхоршоҳга вақтида етказиб турасан, — деб, Аҳмадбек қўрққанидан рози бұлиб, туркман ютига сардор қилиб тайинланди. Аҳмад сардор туркманда сардор бұлиб турсин. Энди сўзни Равшанбекдан әшитинг.

Равшанбекни қызилбошлар яланғбош, ялангошқ боялаб, от ҳукмida ҳайдаб, юрак-багрини дөглаб, қамчи уриб, илинган жойини қонатиб бораёттир. Шунда Равшан олдида бир мадад қилгудек кимса топмай, аввали худо, дуюми пирларга сигиниб, зор-зор йиглаб, бир сўз деди:

Барчани яратган худой,  
Банди қилди Хунхор мени,  
Оч оғатдай балолардан,  
Золимлардан қутқар мени.

Бари чоқо қызилбошлар,  
Қамчи уриб кўзни ёшлар,  
Шафқати йўқ багри тошлар,  
Жафосидан қутқар мени.

Сўз билмайин лолулашар,  
Қўаларин косаси тошар,

Илгорлашиб тогдан ошар,  
Бадбахтлардан қутқар мени.

Юрай дейман, юрак догли,  
Урай десам, құлым bogли,  
Қонлар ютди бекнинг угли,  
Қизилбошдан қутқар мени.

Чорෑрлар мадад қилинг,  
Комил пиrlар құлым олнинг,  
Ожиз құлни йүлга солинг,  
Урганж пиrим ҳозир бўлинг.

Қолдим оғат уртасида,  
Бул ҳам күнглим хатоси-да,  
Құлым душман пұтасида,  
Вандиликдан қутқар мени.

Равшан йиглаб, қилур иола,  
Ҳақ Расул, раҳм эт бу ҳола,  
Қамчи үқталар қадала,  
Емонлардан қутқар мени.

Равшанбекнинг құл-оғи қонаб, от ҳукмида зор-зор  
Йиглаб, пиёда банди бўлиб кетиб бораётibiди. Хонаси  
куйгур қизилбошлар Равшанбекнинг дод-войига қулоқ  
солмай, ундан баттар қамчилаб, боши демай, оғи де-  
май ясаб бораётir. Шунда Равшанбек ўз ҳолига узи  
хўрланиб, зор-зор йиглаб, бир сўз деб бораётir.

Не савдолар тушди менинг бошима,  
Ҳеч ким раҳм алламас кўзда ёшима.  
Ҳасрат ўти урди ичу ташима,  
Қизилбошга банди бўлдим, наилайнин.

Кўпайлашиб икки құлым боллади,  
Лолулашиб бағри-дилим доголади,  
Чалқайиб узларин баланд чоғлади,  
Қизилбошга банди бўлдим, наилайнин.

Қизилбоши экан галча, тил билмас,  
Гажир бойқуш экан, айтганни қилмас,  
Талтайиб туркманни қўзларга илмас,  
Қизилбошга банди бўлдим, наилайнин.

Қизилбоши экан авбош, баччагар,  
Бир занги сифатли, қўзлари чоғар.

Бари бирдай ақли калта әнагар,  
Қизилбошга банди бүлдим, наилайин.

Қизилбоши әкан ола құалилар,  
Кимлигини билмас оша сұзилилар,  
Тишлиари оқчиган, қора юзлилар,  
Қизилбошга банди бүлдим, наилайин.

Яқкалашса келар әди зұрлігим,  
Водариго, күрсатмадим әрлігим,  
Асир қолиб, келди қаттиқ ҳұрлігим,  
Қизилбошга банди бүлдим, наилайин.

Душманимдан оларманни оримни,  
Әшитмайды булар қилған зоримни,  
Бек Равшан дер етирмишам коримни,  
Қизилбошга банди бүлдим, наилайин.

Равшанбек бечора йиглаб бораёттир. Сонсиз-саноқсия  
қизилбош бошинг демай, оғинг демай Равшанбекни ясаб  
уриб бораёттир.

Ташвиш тушар мард йигиттінг бошига,  
Лолулашиб душман тегра-дұшига,  
Қоңлар оқиб тушиб құау қошига,  
Хай, аттанг-эй, бекнинг үгли боради.

Ситам күрган күнгил мойдаі қоради(р).  
Елғиалиқда дардин кимга өради,  
Тез юргин, деб қизилбошлар уради,  
Равшан шүйтіб банди бұлиб боради.

Биәбонда ташна бұлиб боради,  
Хафалидан багри тұлиб боради.  
Разаб тортиб ранги сұлиб боради.  
Шүйтіб Равшан банди бұлиб боради.

Оғидан құмлар ботиб боради,  
Айролиқ дардини тотиб боради,  
Пиёда тантглайи қотиб боради.  
Шүйтіб Равшан банди бұлиб боради.

Елқасидан душман дүниб боради,  
Мисли гажир гүштта құниб боради.  
Шүйтіб Равшан банди бұлиб боради.

Қизилбош олдида йўртиб изиллаб,  
Орқасига боқса душман бизиллаб,  
Бош-оёқдан қамчи зарби жазиллаб,  
Шуйтиб Равшан банди бўлиб боради.

Тош қаттими, бош қаттими, ёронлар,  
Юрагида чукиб ётар армонлар,  
Бизга ҳам етарми яна давронлар,  
Дейиб Равшан банди бўлиб боради.

Бандаргоҳ-бандаргоҳ беллардан ошди.  
Ҳар нечук савдога кўниккан бошди(р),  
Неча манзил шабгир тортиб, йул юриб,  
Асқар тогнинг багрига етишди.

Энди бек Равшанинг багри қон бўлди,  
Туркман чўли жовлик намоён бўлди,  
Навбат келди, душман қаҳрамон бўлди,  
Озод бўлмоқ дарди даргумон бўлди.

Қулоқ солинг суханварнинг тилига,  
Ким чидайди айролиқнинг хилига,  
Бек Равшанин ҳайдаб жами қизилбош,  
Чиқиб борди Асқар тогнинг белига.

Дардманд кимсанинг кўнгли яради(р),  
Эронлик душманинг ичи қоради(р),  
Ўстан злинг энди қолди орқада,  
Холинг қандай деб Равшандан сўради.

Шунда қизилбошлар бек Равшанга қараб: — Энди усан злингдан айрилаётисан, баччагар туркман. Шу тогнинг устидан юрtingга бир қараб ол. Иккинчи бу ёқларни кўрмайсан, таги армонда кетма, — дедилар. Шунда бек Равшан қизилбошларга қараб: — Э, лолулашган ақли калталар, ҳали туркман тўпланар, элатларингга туман қопланар. «Араб ўчини қирқ йилда олибди», дегандай туркманга ҳам навбат келар. Бек Равшан қўлингда абадий қолмас, — деб дадил туриб, душмандарга қараб, мўйловини бураб, бир сўз деди:

Бу тогларнинг қалин экан тумани,  
Бизни тутмоқ доим душман гумони,  
Бу баҳтга элтгани туркман полвони,  
Адо бўлмас бу даланинг сиртлони.

Дам бу дамдир, ўега дамни дам деме,  
Хали туркман савлатини кам дема,  
Кучларимман бу златни дим дема,  
Хали замон туғилар гүчлар замони.

Хар туркманлар чиқар ғанинг қасдида,  
Араби тулпорлар үйнаб остида,  
Пұлат найза ярқиляшиб дастида,  
Уруш бұлар шу Бадбахтнинг устида.

Қизилбош деганга найза санчилар.  
Майдон ичидә қолиб лоши янчилар,  
Үч олган сұнг ҳа демайнин устингдан,  
Оғиз кериб гинг дейишларинг тинчилар.

Гидинглаб күпшитма оғиз уртингни,  
Бурاما, баччагар, ҳа деб муртингни,  
Эсон бұлсам златингнинг, юртингнинг  
Тупрогини совурғаним күрасан.

Баҳор бұлса булбул құнар гулиға,  
Құшиқ айтар мұқом ташлаб тилиға,  
Қизларинг келтириб туркман злиға,  
Чури қилиб құчғанимни күрасан.

Жаңг куни құзгалар марднинг гайрати,  
Иигилиб жам бұлар туркман злати,  
Етиб келар қасос олмоқ нағбати,  
Шунда қириб-жүйганимни күрасан.

Қакликлар чарх урап тогу қияда,  
Хайдай бер, ҳайдай бер пою пиёда,  
Қачон бұлса туркман сендая зиёда,  
Катта қирғин қылғанида күрасан.

Мақтанма, қизилбош, чиркин гандасан,  
Ғайридинсан, лот-манотта бандасан,  
Ҳа демасдан жонинг бұлса таңдасан,  
Туркман өзовут солғанини күрасан.

Бек Равшан құрқмайди пишак дүгидан,  
Номард паноҳ истар сенинг ойгингдан,  
Хали замон туркманлар үраб согингдан,  
Хайдаб олиб кетганида күрасан.

Ана энді бек Равшандан қизилбошлар бу сұзларни  
әшитиб: — Воҳ, әнагарнинг дамининг баландлигини-эй.

Үзи ўлимга ҳукм бўлиб туриб, айтган йирик гапларига қаранг. Буни шу ерда чопиб ташласак, ўлжамизни бепул йўқ қилган бўламиз, ҳам Хунхорнинг газабига қоламиз. Ундан кўра буни тезроқ Хунхорга топшириб, мукофотини олиш керак. Чўлда оғзи беўлчов ўсиб, ҳар нимани гап деб ўтлаб юрган саҳройи туркман-да, — дейишиб, бек Равшани уриб-ясад, нар ёққа эндириб, ҳайдаб кета берди.

Аччиқ қамчи бериб Равшан сонига,  
Асло раҳм айламай йиглаганига,  
Учакишиб-учакишиб ҳайдади,  
Қўлу оғини бўяб қонига.

Қамчи ураг боқмай кўзу бошига,  
Шалҳа бўлиб, баданлари зирқираб,  
Иситма чиқади ичдан ташига.

Ҳай, аттанг-ай, алам тушди бошига,  
Қизилбош айланиб тегра-дўшига,  
Тез юргин, эй, баччагар, деб ҳайдади,  
Раҳм айламай кўздан оққан ёшига.

Ариқ келса жуппай қилиб сакратди,  
Уват келса, юр, деб наизаман туртди,  
Кўр сичқондай бекининг ўгли бечора,  
Сонсиз қизилбошнинг олдида йўртди.

Оғидан шувоқ боши қон бўлди,  
Кўргулликни кўрган гарип жон бўлди,  
От ҳукмида юра-юра Равшанга  
Булдираб бир шаҳар намоён бўлди.

Қизилбош мақтаниб борар шанқайиб,  
Равшан кетар қараб оғзи анқайиб,  
Бир шаҳар кўринди чангтиб узоқдан,  
Минорлари, пештоқлари қанқайиб.

Ким яхши, ким ёмон олло билади,  
Гамлик, шодлик мард бошига келади,  
Минор, пештоқдан сўнг оли бинолар,  
Илгари боргаи сайнн яқин бўлади.

Қизилбош кўнглини энди тиндириди,  
Нос чекиб туфлашиб кайфин қондириди.

Яланг оёқ, яланг бош қип Равшанни.  
Қамчи уриб берги бетдан эндириди.

Қараб бұлмас қизилбошнинг күркига,  
Хина сүйкаб сочу соқол, бүркига,  
Бек Равшанни дарвозадан киргизиб,  
Хайдаб борди шаҳарининг аркига.

Ана энди қизилбошлар Равшанбекни шаҳар аркининг туғыға ҳайдаб бордилар. Бу ерда банди бұлған бошқа күп туркманлар ҳам бор экан. Уларга бир бошлиқ арқдан тушиб, битта-биттадан құлларига озод хати тутқазиб: — Сизлар фалон қуриққа бориб, Гаждумбекнинг ихтиёрида деңқончилик қиласылар, — деб бир навкарға құшиб юборди. Навбат Равшанбекка келиб: — Сен ҳам тавба қилиб, узр сұра. Сенға ҳам озод хати олиб бериб, қуриққа — оғайниларингнинг қошиға юборайин, — деди. Шунда Равшанбек Хунхорнинг вакилиға қараб, мен үлсам ҳам душманга товба қилиб, ялинмайман, — деб бир сұз айтди:

Бадбахтнинг тоглари баланд қияма,  
Үламан деб мәрд сұздан тояма,  
Мен у айттан құрқөгингдан эмасман.  
Құлингдан келганин қилғин, аяма,

Элатингта асир бұлиб келаман,  
Навбат келиб бир күн учим оламан,  
Қизилбошга ялингандан билиб қуй,  
Ажалимдан беш күн бурун үламан.

Имон борми сенинг<sup>1</sup> асли дилингда,  
Гердайиб мақтамоқ бордир тилингда,  
Мени бүйин құяди деб үйлама,  
Аяма, турибман мана құлингда.

Қизилбошнинг күнгли қаттиқ тош келар,  
Чин йигласа, сүқир күздан ёш келар,  
Дүглаганинг қари-қартанғ касалманд,  
Қартангларнинг юраги пүк-бүш келар.  
Хунхорнингтә зланмаклик хуш келар.

Бек Равшан сира ҳам ёнин бермайди,  
Үлмаса, душманга қилич бермайди,  
Лолулашган әронликнинг барини,  
Үймалашган чумолича күрмайди.

Бу сўзни эшитиб, Хунхор шоҳнинг вакили: — Бу жуда бир ўр туркман экан, — деб аркка чиқиб, Равшанбекнинг қул қилиб сотилишига ҳукмнома олиб келиб, бек Равшанни тутиб борган қизилбошларга берди. Хунхоршоҳнинг расмида асирни ким келтирса, ўша сотишга ҳақли эди. Ана энди бек Равшанни тутиб келтирган қизилбошлар қулнинг белгиси учун Равшанбекка чуччайма калапуш кийдириб, қул бозорига қараб ҳайдаб кета берди. Ана энди шуйтиб қизилбошлар Равшанбекни қул бозорига олиб бора берсин, биринки оғиз сўзни Ҳилолойдан эшитинг.

Ҳилолой Гаждумбекнинг ота бир, эна бошқа синглиси эди. Гаждумбеклар асир бўлиб Хунхорга келган вақтида беш яшар қизча бўлиб, туркманда бўлганини эсмас эк билар эди. Ҳозир Ҳилолой шипдай бўлиб, буй етиб қолган эди. Ўзидан ўзи дарвозанинг шанлогидан Ҳилолойнинг кўзи кўчага тушиб қолиб, бир туда қизилбошларнинг бир туркман йигитини қул қилиб сотмоқ учун ҳайдаб ўтаётганини кўриб, Равшанбекни қизилбошларнинг ҳайдаб бораётганда, бир томондан, Ҳилолойнинг ичи ачиб, раҳми келса, бир томондан, асли туркман йигити кўзига иссиқ кўриниб кетди. Ҳилолой қандай, кўзлари чўлпондай, қошлари камондай, ўзи барно, ақлирасо, ҳамма нарсага фаҳми етади. Шунда Ҳилолой: «Бу шўрлик туркман йигити қизилбошларга банди бўлган экан. У туркман йигити эмасми, Хунхорнинг аркига товба қилмай, дўнг бўйинлик қилган экан. Шуйтиб буни бозорга элтиб, қул қилиб сотишга буюрган экан. Энди бу бечора туркман йигитини қизилбош қул қилиб бозорда сотади. Бир золим қизилбош сотиб олиб, бурбайига ёнтоқ билан уриб, азобини бериб ишлатади. Энди мен Гаждумбек акамга айтайн. Ҳовлида хизматкор йўқ, бугун бир қул сотиб олинг, деяйин. Акам бозорга бориб шу туркман йигитга кўзи тушар. Худо кўнглига бир раҳм солса, шу туркман йигитини сотиб олиб келтиrsa. Ҳовлимизда кўп азоб кўрмай, мусоғир бўлмай юрар эди», — деб бундан ҳам бошқа бир қанча ширин ўйларни ўйлаб турган эди. Қараса, Гаждумбек белига малла пұтасини боягын сүфадан туриб, носини туфлаб, бозорга бормоққа рав бўла берди. Шунда Ҳилолой Гаждумбек акасига қараб, бир сўз деди:

Эрта туриб зар кокилим тарайман,  
Қиз бошимман молу ҳолга қарайман.

Катта ҳовли юмуши зўр, ақажон,  
Бу ҳовлига бир хизматкор сўрайман.

Айвон-айвон байталинг бор, отинг бор.  
Жийрондан, самандан хоназодинг бор.  
Хунхорга ҳар чошқа салом-додинг бор.  
Бу ҳовлига бир хизматкор сўрайман.

Сен чиқсанг кўчага, бунда қоламан,  
Молу ҳолга беда-сомон соламан,  
Бўшасам янгамнинг ишин оламан,  
Шундай қилиб, ака, жуда толаман,  
Бу ҳовлига бир хизматкор сўрайман.

Биламан қизилбош бунда келмайди,  
Келиб туриб бизга хизмат қилмайди.  
Улар биз туркманин кўзга илмайди.  
Бу ташвишлар хизматкорсиз бўлмайди.

Шу сабабдан бориб бир қул олсангиз,  
Олиб келиб бунда тамга солсангиз,  
Гариб муштипарман, кўнглим олсангиз,  
Бу ҳовлига бир хизматкор сўрайин.

Йиглайди Ҳилолой, гариб бечора,  
Ака, айланг бутун ҳолимга чора,  
Бир қул олинг, раҳм айлаб мен зора,  
Хизматдан толиқиб булдим овора.

Гаждумбек уйласа, Ҳилолойнинг сўзи маъқул:  
«Ахир, Ҳилолой бўй етган бир қиз бўлса, ҳовли тўла от,  
қора мол. Бу молларга қарасинми, янгасиннинг ишига  
ёрдам берсинми. Эй, узим ҳамиятсиозман, биттадан битта  
үгай синглим бор экан, буни шунчалик овора қилибман,  
уягини ташлаб, ўзи тилга келибди. Ҳай, аттанг, қизил-  
бошлар бизга хизмат қилмаса, бозордан қул сотиб олгани  
пулим йўқми», — деб Ҳилолойга қараб, Гаждумбек бир  
сўз деди:

Майли бугун сенга бир қул келтирай,  
Асло хафа бўлма, жоним Ҳилолой,  
Шикаста кўнглингни обод айлайин,  
Асло хафа бўлма, жоним Ҳилолой.

Мусофир юртнда бошим туманда.  
Гайри юрти қурсин оша ёмон-да,

Бу элларда бошинг бүлсін омонда,  
Асло хафа бұлма, жоним Ҳилолой.

Ақлинг камолинда, тұлиқ ұшингда,  
Гам-алам сақлама азиз бошингда,  
Гаждум, Ҳасан оғанғ бордир қошингда,  
Асло хафа бұлма, жоним Ҳилолой.

Камлигинг йүқ қадду қомат, күрикда,  
Адашмайсан ҳар бир йүли йүриқда,  
Калу күр оғайнинг яшар қүриқда.  
Асло хафа бұлма, жоним Ҳилолой.

Дам бу дамдир, үзга дамни дам демас,  
Мард бошиға қайту түшса, гам емас,  
Бойлигим ҳам ҳеч кимсадан кам эмас,  
Асло хафа бұлма, жоним Ҳилолой.

Сулув қызлар шойи кийиб шайлансин,  
Доимо ганимнинг құли бойлансин,  
Асло хафа бұлма, жоним Ҳилолой.  
Бир бошингдан үттис минг құл айлансин.

— Хафа бұлма, синглим. Сен айтдинг, мен қилмадимми? Ана энди бугун айтдинг, ағар бозорда құл минг тилла бұлса ҳам сенға бир құл ё бир чүри олиб келиб берганим бүлсін, — деб Гаждумбек уйига қайтиб кириб, минг тиллани санаб, бир құш халтага солиб, құшхалтани белдаги пұтасиға қистириб, бозорга чиқиб, дарров бозордан майда-чүйда ишларини битириб, гүшт, гуруч, сабзи, пиёз, чой, қалампирларни хуржунига солиб, бир қогоз носні бошиға қистириб, катикдан айланиб құл бозорига үтди. Ана шунда Равшанбекни қизилбошлар тұрт юз танға, харидорлар бұлса, уч юз танға, деб турибди. Гаждумбек шундай айланиб, бозордаги құлларға бирма-бир қараб үтаётіб, күзи Равшанбекка түшди. Қараса, бир тұда қизилбош бир туркман болани құл бозорға солиб үтирибди. Ҳар замонда Хунхорға товба құлмаган биттә-яримта құл қилиб сотилганини күриб юрган Гаждумбек бу ишга таажжуб қилмади ҳам. Лекин құл оламан, деб келгандылықтың үчүн шу туркман йигитнинг қошидан нарекқа үтиб кетгуси келмай қолиб, қизилбошларға қараб, Равшаннинг нархини сұраб, бир сұз деди:

Эшитинглар, бозордаги савдогар,  
Шу құлға бұлдым, дүстлар, талабгор,  
Оқ күнгилман бул баччага харидор,  
Айт нархини, пулинг санаб берайин.

Ярашиққа заррин пұта үрайин,  
Амалим бор, шомуртимни бурайин,  
Шу баччанинг баҳосини сұрайин,  
Айт нархини, пулинг санаб берайин.

Үлмасам дунёда даврон сұрайин,  
Күп яшайин, күп йилгача турайин,  
Мен ҳам әнді құл ишлатиб күрайин,  
Айт нархини, пулинг санаб берайин.

Хөвли-ҳарам қылдым Хунхор әлидан,  
Суз олинглар бошли даалол тилидан,  
Келган ухшар ошиб Бадбаҳт белидан,  
Айт нархини, пулинг санаб берайин.

Эшитинг, өронлар, айттан сұзимни,  
Гаждумбек жибачи дейди үзімни,  
Шу туркман баччага тикдим күзимни,  
Айт нархини, пулинг санаб берайин.

Шунда дааллолбоши келиб: — Ҳов, Гаждумбек, бу құлнинг нархи тұрт юз танга бұлса ҳам, лекин сизга минг тиіллага сотилади. Нега десангиз, туркман туркманни құл қилиб олгани учун, — деди. Гаждумбек минг тиілләни қызилбошларга санаб бериб, васиқасини әздириб, қызилбош қозисига муҳр бостириб, құлни үзиники қилиб олғандан кейин туркман баччани қызилбошларга таърифлаб, бир сұз деди:

Бугун күшод бұлды баҳтим савдоси,  
Гавәрға аранайди туркман баҳоси,  
Еронлар, йүқдир сұзимнинг хатоси,  
Шукур, бұлдым харидори бу құлнинг

Бу құлнинг бир туки арзир минг құлға,  
Туркманнинг иалари тенглашмас пулга,  
Әгам бошлаб мени шу түрги йүлға,  
Шукур, бұлдым харидори бу құлнинг.

Бу құлнинг ой билан тенгдир жамоли,  
Е бұлмаса, күкда офтоб мисоли.

Күнгил қулфинг урса жұра бұлали,  
Шукур, бұлдым харидори бу қулнинг.

Бу қулнинг иссіқдір ҳусен юлдузи  
Умидман чарақтар чақмоқдай күзи,  
Таками, өвмитми, күккланғми үзи,  
Шукур, бұлдым харидори бу қулнинг.

Гаждумбек уйғонди бугун үнгидан,  
Шодликлар келгайды гамим сұнгидан,  
Айролиқ юртда тенги-тengидан,  
Шукур, бұлдым харидори бу қулнинг.

Ана шуйтиб, Гаждумбек Равшанбекни етаклад, құл бозоридан олиб чиқиб, йүлда исми-зотини сұрады. Равшан: — Испим Равшан, өвмитликман. Жигалибекнинг бел боласи бұламан. Қирқ йигит билан әл құриб юрар адим. Хунхорнинг бир тұда аскарига асир тушиб, бунда келиб сизға құл қилиб сотилдім. Боя даллолдан әшитишимга қараганда, сиз ҳам туркман экансиз. Мени қизилбошга құл қилмай, үз бөврим туркманга құл қилғаниға шукур. Энді бу мусоғир юртда мен сизға құл, сиз менға хұжа, — деб зор-зор йиглаб, Равшанбек Гаждумбекка қараб, бир сұз деди:

Худойимга шукур этайин, хұжайин,  
Ола күзли қизилбошга тушмадим,  
Күз күрмаган айролиқнинг хейлида,  
Банди булиб багри тошға тушмадим.

Қисматим шу экан, йүлда сурілдім.  
Озми-күпми аччиқ қамчи урилдім,  
Үлгая адим, сиз сабабли тирилдім,  
Хунхор әлда қизилбошга тушмадім.

Қизилбошлар билмаганим билдириди.  
Голиб келиб үз бандига илдириди,  
Дүстім гамгин, душманимни күлдириди,  
Бунда келиб багри тошға тушмадім.

Гафлатда вақтимда тузоқ отдилар,  
Банди айлаб тирсагимдан чатдилар,  
Айланай баҳтимдан сизға сотдилар,  
Шұрим қисиб қизилбошга тушмадім.

Отам йиглаб қолди Евмит злида,  
Не азоблар күрдим Асқар белида,  
Равшан құлнинг ҳамду сано тилида,  
Гайри юртда бағри тошга тушмадим.

Бу сұзларни Гаждумбек әшитиб, Равшанбеккa:

— Ука, хафа бұлма, мен ҳам Евмит туркманидан бұламан. Сен Жигалибекнинг үгли бұлсанг, мен Огалибекнинг үгли бұламан. Бир вақтлар Огалибекнинг икки үгли — Гаждумбек, Ҳасанбек дегани уй-рұзгори билан Хунхорга асир булиб кеттан деб әшиитгандирсан. Қейинчалик мен отамни қызылбошлар үлдириб қайтганини, туркманга сенинг отанғ Жигалибекнинг хон бұлганини әшиитгандын. Туркманда барча калу күр оғайнилар эсон-омонми? Ҳай, шүйтib, ука, «улиб-улиб ким қолди, сенинг билан мен қолдым», дегандай, худо насиб қилиб менга дуч булиб сотилганингга қара. Майли, «сабабдан сабаб, балчиқдан имарат», албатта меникида хор бұлмайсан. Расми қулсан, ҳақиқатда озодсан. Мен туркман булиб, сени қул қилиб юрсам, туркман номимни булғаган бұламан. Исминг Равшан экан. «Яхши ном — ярим давлат». Хонамга равшанлик бұлгай, — деб Равшанбекнинг күнглини күтариб, ҳовлисига әргаштириб олиб бориб, Равшанбекни меҳмонхонасига қуйиб, Гаждумбекнинг үзи ичкари ҳовлисига үтиб, бозордан келтирған нарсаларини хотинига бериб, үзининг күңналарини чиқарип, Равшанбекка кийдириб, хотинига: — Мана бу қул, лекин ҳақиқатда қул әмас. Сабаб билан Евмитдан келтирилиб сотилған. Асли туркман, бу биаза худо берган хизматкор. Буни қул деб қайнимни ҳақорат қилма, — деб тайинлади. Ҳилолойга ҳам: — Бу қул асли қул әмас, туркман боласи. Ака деб юр, күнглини оғримта, — деб тайинлади. Шүйтib гапнинг қисқаси, Равшанбек Гаждумбекникида қул булиб, ҳовли хизматини қилиб юра берди. Ана шүйтib, Гаждумбек бұлса, подшоликда амалдор, жебачи, күп ишли одам, Равшанбекнинг нони, чойидан хабар олгувчи Ҳилолой. Ана энди Ҳилолойнинг кундан-кунга Равшанбекка шафқат ва муҳаббати Ҳилолойни күн сайин үзига тортар эди. Равшанбекнинг ҳам Ҳилолойга ҳушлари оғиб юрар эдию, лекин олама-жомакор кийими билан, құллук ҳоли билан үзини Ҳилолойга тенг әмас, Ҳилолой ардисари мендай құлни күзига илмас, деб маъюсона, үгринча тешик ва шанлоглардан қараб юрар эди. Ҳилолой бұлса,

Равшанбекни зимдан суйиб, бу гайри юртларда үзига ҳамдам топмай, жуда бүй етиб кетган қиз әмасми, асли туркман боласини үзига тенг билиб, ичи күйиб, акам мени берганда ҳам шу Равшандай йигитта беради-да, деб қандай қилиб үз дарду ҳолини Равшанбекка баён қилишнинг ҳисобини топмай, иситмаси гурпиллаб юрар эди.

Кунлардан бир куни Ҳилолой меҳмонхонанинг суфа сидан туриб, ҳовлини супириб юрган Равшанбекка қараб, баҳона қилиб, бир неча жойдан тимсол келтириб, бир сўз деди:

Равшан, қара Бадбахтнинг белига,  
Қорлари эрибди, баҳор бўлибди,  
Алвон-алвон жовгошинлар баргига  
Шудиринг тушибди, чиқсув<sup>1</sup> тулибди.

Булбуллар қўнибди дарахт гулига,  
Турли-турли сано олиб тилига,  
Қўнгир салқин тушиб Хунхор элига,  
Кўнгиллар баҳрига баҳор бўлибди.

Иссиқ қуёш камарларни кесибди,  
Шу ёққа туркмайдан шамол эсибди.  
Вир нимадан менинг багрим исибди.  
Кўнгиллар баҳрига баҳор бўлибди.

Шамол турса, бодомчалар шинкиллар,  
Меҳмон келмак бўлса, қулоқ чинкиллар.  
Қалдирғоч ҳижирлаб, тўргай зингкиллар,  
Кўнгиллар баҳрига баҳор бўлибди.

Бахши терма тўқир юрак кучидан,  
Кўнгил учар орезу-ҳавас пучидан,  
Тонг шамоли турар тогнинг учидан.  
Кўнгиллар баҳрига баҳор бўлибди.

Даштдан келар газалойнинг садоси,  
Ҳилолойнинг борми дардин давоси,  
Баҳоркарда экан улар маъвоси.  
Кўнгиллар баҳрига баҳор бўлибди.

<sup>1</sup> Шудирингдан кейин дов-дараҳтлар, ут-ұланлар баргларидан томётган томчиларни чиқсун дейилади.

Бу сұзни Равшанбек Ҳилолойдан әшитиб:

— Ҳа, күклам бұларига бұлған, лекин мен бир қул бұлсам, табиб бұлмасам, билмасам, сенда қандай дард бор, унга қандай даво бор, — деб зор-зор йиглаб, Ҳилолойга қараб, бир сұз деди:

Ҳилолой, құзғамп ички дардимни,  
Касалингнинг давосини на билай,  
Ұз бошимман үзимдирман овора,  
Дардинг наю, давосини на билай.

Құл деганинг иши хизматда турмоқ,  
Нури кұрамоғу ҳовали супирмоқ,  
Ұзини чұпдан ҳам, ҳасдан ҳам наст күрмоқ,  
Дардинг наю, давосини на билай.

Құл деган хұжайин әркига банда,  
Оғида чориқ, әгнида жанда,  
Шомгача ишламоқ туриб аzonда,  
Дардинг наю, давосини на билай.

Табиб күл, таккон күп Хунхор әлида,  
Тахтаси олдида, мақтов тилида,  
Ғамдин бұлак на бор қулнинг дилида,  
Дардинг наю, давосини на билай.

Табиблар дардингни билмайми ахир,  
Мен бир диәримдан айри мусофири,  
Равшан жанда кийгая гарип бир фақыр,  
Дардинг наю, давосини на билай.

Равшан асли сайисзода синчи әмасми, аллақачон Ҳилолойнинг ички дардини билиб құйған эди. Шунда ҳам үзининг құллигини бүйніга олиб, бу воқеаларни үзидан қочириб шундай деган эди. Аммо Ҳилолой Равшанбекни ҳали онғызыңыз, нодон, деб билиб, Равшанбекка қараб: — Менга бу қызылбош юртнинг табиблари керак әмас, мен-га фақат сен табиблик қила оласан, — деб зор-зор йиглаб, бир сұз деди:

Равшанжон, үзингсан таккон, табибим,  
Дардимга даво қыл бутун, чирогим,  
Қызылбош тутмасдан қордай танимни,  
Дардимга даво қыл, Равшан чирогим.

Илоҳим очгайда банди йўлимни,  
Душманлар тутмасин бунда қўлимни,  
Сенга багишлайин жону дилимни,  
Дардимга даво қил, Равшан чирогим.

Сўз сўзлаган мендай нозик адоди,  
Танин танга қўшган устоз доди,  
Боқишинг багримга бир уқ қадади,  
Дардимга даво қил, Равшан чирогим.

Барча махлук жуфти билан боп бўлар.  
Гийбатчининг иши, эрмаги гап бўлар.  
Бир қиё боқмасанг, Ҳилол соғ бўлар.  
Дардимга даво қил, Равшан чирогим.

Энди шарму ҳаёларни ташлайин,  
Сени яхши кўриб кўзим ёшлийин,  
Ўзгани демайин, ўзнинг ушлайин,  
Дардимга даво қил Равшан чирогим.

Бу сўзни эшитиб, Равшанбек бечора ўз соясидан  
ҳуркиб-қўрқиб, Ҳилолойга ялиниб, қулни қул ҳолига  
қўй, деб зор-зор йиглаб, бир сўз деди:

Бу ерларга қул бўп келган бечора,  
Қанча уртансанг ҳам нетай, на чора,  
Мени деб, жон бекач, бўлма овора,  
Ўз ҳолимга қўйгин бунда, Ҳилолой.

Туман дарёсидай тошиб тўлмагин,  
Бир гарив қулингга кўнглинг бўлмагин,  
Мен-ку асли улган одам ҳисоби,  
Сен ўзинг бекорга ҳалак қилмагин,  
Ўз ҳолимга қўйгин бунда, Ҳилолой.

Баҳорда очилган бoggда лолади(r),  
Шукур қинг барисини ҳар ким олади,  
Беҳудага жонинг нобуд бўлади,  
Ўз ҳолимга қўйгин бунда, Ҳилолой,

Бу ишинг акангман янгаиг билмайми,  
Билиб туриб сени нобуд қилмайми,  
Яширинчи гуноҳ ошкор бўлмайми,  
Ўз ҳолимга қўйгин бунда, Ҳилолой.

Равшан құл йиглайди сенга зор-зор,  
Құлингман, илгимда нима ихтиёр.  
Холимни қоқламай булмай гуноқкор,  
Ұз ҳолимга құйғин бунда, Ҳилолой.

Бу сүзни Ҳилолой Равшанбекдан әшитиб: — Равшанжон, жонгинам, агар шу бугун күнглимин олмасанг, ҳожатимни раво құлмасанг, ҳасратингда ҳалок бұламан. Тонгла қиёматда құлым ёқангда бұлади, — деб зор-зор йиглаб, Равшанбекка ялиниб, имраниб, Ҳилолой бир сүз деди:

Мусофир юртида мен ҳам гарибман,  
Гариблиқда мунглик булып юрібман,  
Сени күриб жону дилим берібман,  
Тоқатим тоқ бұлди, Равшан, раҳм айла.

Қиазил гул очилар гүнчадан гүнча,  
Тоқатим йұқ таги гул очилгүнча,  
Күзимдан оққан ёш мисли таргунча,  
Сабрим тамом бұлди, Равшан, раҳм айла.

Хұнхор әлда кимга тенгу той бұлдим,  
Ғамнинг ботқогига ботдим, лой бұлдим,  
Хүснингга эридим мисли мой бұлдим,  
Шу бугун агарда ҳолим сұрмасанг,  
Ақалнинг отига миядим, шай бұлдим,  
Тоқатим тоқ бұлди, Равшан, раҳм айла.

Отинг Равшан, үзинг равшан чирогим,  
Каъбамсан, жонимсан, күнглим қарогим,  
Сенсиз бу дүнеда йүқдір турогим,  
Сабрим тамом бұлди, Равшан, раҳм айла.

Кулиб боқишиңгга берай жонимни,  
Құрқмай тут, баҳш этдим сенга танимни,  
Бұлмаса, ол пичоқ, бошқа илож йұқ,  
Ұз құлингман оқыз багир қонимни,  
Тоқатим тоқ бұлди, Равшан, раҳм айла.

Ҳилолой тоза беором, бетоқат бұлиб йиглай берди. Равшанбекнинг назари Ҳилолойға тушиб, шундай гүзәл, шундай барно нозаниннинг әләниб, имраниб йиглағтанаңынга раҳми келиб, худо билади, шундай ташнаи висол бүй етған күнглини овламоқ балки савоб бұлса керак, деб

Ҳилолойга майил қилиб, сочларини силади. Ҳилолой ҳам үзини Равшанбекнинг қучогига ташлади. Шундай қилиб, Равшанбек билан Ҳилолой топишиб, овлоқ мөхмөнхонада қучоқлашиб, оламдан бехабар кўнгил олишиб, барча ташвиш-мөҳнатларни унугтиб, мөҳмөнхонада ухлашиб қолдилар. Энди Гаждумбекдан эшигинг.

Гаждумбек жебачи қўриқда деҳқончилик қилаётган туркманларнинг олдига кетган эди. Бир-икки кун туркманларнида мөҳмон булиб, бугун қайтиб ҳовлисига келса, ҳовлида моллар сув ичмаган, ҳовлининг ярми ҳали супирилмаган. Гаждумбек нега бундай экан. Бечора Равшан укам ҳориб мөҳмөнхонада ухлаб қолган булса керак, деб отдан тушиб, отини үзи боғлаб, Равшанни ўйготайин, деб аста мөҳмөнхонага кирса, Ҳилолой билан Равшан маҳкам қучоқлашиб, оламдан бехабар, ухлашиб ётиби. Шунда бирдан Гаждумбекнинг қони қайнаб, аччиги келиб, ханжарини гилофидан сугириб, Ҳилолой билан Равшанбекнинг калласини қўшасига кесиб ташламоқчи булиб, бир чоқлади-ю, лекин шундай икки чивиқдай ўшларни нобуд қилиб ташлагани кўзи қиймай, агар индамай қўяқолса, яна гаюрглиги қўймай, орият — номус деган гап бор, қўлида шамшир Ҳилолой билан Равшанбекка қараб бир чирпиниб турган пилласида, бирдан Ҳилолойнинг кўзи очилиб кетиб, Гаждумбекка қараб, ялиниб: — Акажон, Равшанда гуноҳ йўқ, гуноҳ менда, ўлдирсанг мени ўлдир, Равшанга индама, — деб үзини Равшанбекнинг устига ташлаб, зор-зор йиглаб, бир сўз деди:

Акажон, индама гуноҳсиз қулга,  
Шарманда синглингман, айиб үзимда,  
Асли жувонмарг бўп ўлмакка лойиқ,  
Шарманда синглингман, айиб үзимда.

Одил қул, инсоғ қил, Хунхор элида,  
Асиrmиз ҳаммамиз шоҳнинг қўлида.  
Мунофиқлик йўқдир синглинг дилида,  
Шарманда шўрлиман, айиб үзимда.

Ким ёмон деб айтар уруг-элини,  
Еқтиримайман қизилбошнинг улини,  
Гайри диннинг бекзодига текканча  
Мен үзим хоҳладим туркман қулини.  
Шарманда синглингман, айиб үзимда.

Тақлиф қилдим, майхонага кир, дедим,  
Үз қўлингман менга шароб бер, дедим.  
Бу гуноҳ ўзимдан бўлди, акажон,  
Диним, элим, урутимни бир, дедим.  
Шарманда шўрлиман, айиб ўзимда.

Ўзлигимдан қора қилдим юзимни,  
Қон ёшга тўлдирдим шаҳло қўзимни.  
Гайри динлар босмасин деб изимни,  
Равшанга топширган эдим ўзимни,  
Шарманда синглингман, айиб ўзимда.

Муштипарман, раҳм айлагин ҳолима,  
Мусоғир юртида, жисму жонима,  
Оғам сен, отам сен, Асқар тогимсен,  
Шафқат қилиб жилов солма йўлима,  
Шарманда шўрлиман, айиб ўзимда.

Ҳилолой дер боққин арзу додима,  
Гугурт урма сийнамдаги ўтима.  
Ўлдирсанг, уламан, кечсанг, қоламан,  
Кўнгил бердим ўз қабилим-зотима,  
Шарманда синглингман, айиб ўзимда.

— Акажон, ҳам оғамсан, ҳам отам ўрнида мени тарбия қилиб, катта қилган отамсан. Бу мусоғир юртида ўлдирсанг, улиб кетаман, кечирсанг, ўлмай қоламан. Равшанда гуноҳ йўқ, менда, — деб мўлт-мўлт йиглаганида Ҳилолойнинг кўзидан томган қатра-қатра ёшлари Равшанбекнинг юзига томиб, Равшанбек шундай уйгониб, кўзини очиб қараса, Ҳилолой акаси Гаждумбекка қараб, гуноҳ менда, деб йиглаб турибди. Гаждумбек ҳам шардан<sup>1</sup> тушиб, Ҳилолойнинг айтган сўаларига қаноат ҳосил қилиб туриб эди, бирдан Равшанбекнинг уйгониб қолганини кўриб, Гаждумбек индамай, ташқарига чиқиб кетди. У ичкари ҳовлисига ўта солиб, бу гаплардан хотинини хабардор қилиб: — Тез бориб Ҳилолой билан Равшанга айт, мен Равшанни озод қилиб, ичкуёв қиласман. Тез бор, мабода шармандаликдан бир ҳодиса бўлиб қолмасин, — деб ўзи кўчага чиқиб кетди. Гаждумбекнинг хотини дарров меҳмонхонага утиб, Ҳилолой билан Равшанбекка кулиб: — Ҳа, ёшлиқ-да, хафа бўлманглар, ҳаётда шундай-шундай бўлади-да. Равшан, хафа бўлма, Гаждумбек

<sup>1</sup> Жаҳлдан, ёмон феълдан.

сени озод қилиб, ичкуев қилиб олар эмиш, — деди. Бу хабарни әшитиб, Равшанбек хүнграб йиглаб юборди. Шунда Равшанбек нима деди:

Гайри юртта тушган эдим қул бўлиб,  
Шодмон этди кўнглим олиб туркманим,  
Асли зотим, қабилам бир, элим бир,  
Меҳрибоним, жоним каъbam, туркманим.

Хунхор элнинг йули баланд-паст экан,  
Гаждумбек якка бир забардаст экан,  
Зар қадрини заргар билар дегани  
Ҳақ экан, ҳақ экан, ҳақга рост экан,  
Үлмасин, ҳар ерда бўлса туркманим.

Бир ожиз қулдирман, йўриқ-жўним йўқ.  
Ёвмит элда бир ул эдим, миним йўқ.  
Ҳам акам, ҳам отам бўлсин Гаждумбек,  
Шундан бошқа оғам ҳам йўқ, иним йўқ.  
Ҳар ерда ҳиммати баланд туркманим.

Мусоғир бандалар иши надомат,  
Ҳар куни юз ҳасрат, юз бир қиёмат,  
Бандиинг манглайин очди дуч келиб,  
Хунхор элда Гаждумбекдай вallamat.

Равшан қул мусулмон, худога банда,  
Агарчи бўлса ҳам йўқсул, афтода,  
Вос-вос уриб бўлган эдим шарманда,  
Гаждумбек бир вallamat экан-да.  
Хизматин айлайин жон бўлса танда.

Ана энди Гаждумбекнинг хотини Равшанбек билан Ҳилолойга: — Нима, сизларнинг бу ишларингни Гаждумбек билан мендан бошқа ҳеч ким билмаса, ҳали бу ёги ўз-ўзимиз-ку, Гаждумбек қулини ўз уругидан булгани учун озод қилиб, ўзига ичкуев қилиб олибди, дейди-қўяди. Олам гулистон. Шунинг несига хафа бўлиб ўтирасизлар, — деб бир хил яхши гаплардан гапириб, кўнгилларини очиб ўтирди. Гаждумбек қўриқдаги туркманларга бир борувчи кишидан нома юбориб, ўзи қизилбош қозисидан Равшанбек билан Ҳилолойга никоҳ кийдириб, кечқурун ҳовлисига қайтди. Шу кечқурун араз уришгандай бир-бирларига индашмай тонгни оттириб, Гаждумбек эрта билан иккита гулими қўйни сўйиб, катта қозонга гўштни

солиб, шұрвани пишира берди. Гаждумбекнинг хотини құйруқ мойға сұлқиллатиб юмшоқ патирни пишира берди. Түш оға құриқдаги туркманлар аәл, бола-чақалари билан етиб келишди. Гаждумбекнинг хотини билан Ҳасанбекнинг хотини Ҳилолойга жуфт янга бұлды, шуйтиб, гайри юртда расм-русмини ұтказиб, отам-әнам қилиб, икки өшни құшиб қойишиди. Эртасига туркманлар құриқдаги огулларига қайтиб кетаётганида, Ҳасанбек Гаждумбек акасига күевни бизнинг огулга зиёфатға олиб бор, деб меҳмонлиқ-қа таклиф қилиб кетди. Шуйтиб орадан үн, үн беш кунча үтиб, Равшанбек Гаждумбекниңда ичкуев бұлиб, үрганишиб кетгандан кейин Гаждумбек Ҳасанбекникига меҳмонликка олиб келди. Шуйтиб, Гаждумбек билан Равшанбек икки суворий йұргага миниб, сувдай օқишиб, дала-даштарга боқишиб, түш-түшда құриқда деңқончилик қилаётгап туркманлар овулига етиб бордилар. Ҳасанбек меҳмонларни тушириб, катта бир боқма қўйни сўйиб, меҳмоннинг олдига, деб барча калу кўр оғайниларини чақирди. Туркманлар: — Ҳай, юринглар, Ҳасан оғаникига Равшанбачча келибди, — дейишиб йигилиб, Ҳасанбекникига келишиб, меҳмонларни жуда сийлашиб, бу кунисига ҳар бири улоқсерка сўйиб, навбатма-навбат меҳмонларни чақираётиди. Овқат бости қилиб, кўк чойни аччиқ-аччиқ дамлашяпти. Янга-келинлар оқ тамакидан чилимга солиб, бурқиллатиб тутатиб келаёттир. Шундай пайтларда туркман иложини топса, агар әртан молсиз қолса ҳам, бир жонлиқ сўяди. Фақат йўқчиллик одамнинг кўзини чимиллатиб, пичоқ санчандай қилиб қўяди. Шуйтиб, гапнинг қисқаси, Гаждумбек билан Равшанбек туркманларга уч кун меҳмон булиб, тұн кийиб, құлрұмол олиб, жуда иззат-икром билан, учинчи куни әрталаб Хунхор шаҳрига қараб қайтдилар.

Ана энди Гаждумбек билан Равшанбек бир шаҳар бұлса кечга етармиз-да, дейишиб йұлдан чиқиб, қир-саҳроларни айланиб-айланиб бир эски құргоннинг устидан чиқиб қолиб, шу ерда иккови ҳам сувори йўргаларини үтга қўйиб, құргоннинг дўнглигига чиқиб дам олиб, томоша қилиб үтиредилар. Шунда Равшанбекнинг кўзи бир отнинг катта суягиға тушиб қолиб: — Шу от уз вақтида тулпор бұлган экан. Ахири шу ерда бир катта сўғиш булиб, бу тулпор үлган экан. Қанча одам, қанча отнинг суяги шу құргоннинг атрофида кўмилиб өтиди. Ҳа, бу бевафо дунёning қиласынан иши охири шу экан, деб зор-зор йиглаб, Гаждумбекка қараб, бир сўз деди:

Үтар дуне одим-одим,  
Үз шавқида яшаб ҳар ким.  
Сарбозор юриб бетиним,  
Бүлган экан шу ерларда.

Газаб олиб алангалар,  
Түкилиб аңча-таянгалар,  
Лаъл-жавоҳир, сангалар,  
Бүлган экан бу ерларда.

Баланд-баланд оқ рavoқлар,  
Узун минорлар, пештоқлар,  
Эрамга ухшаш чорбоқлар,  
Бүлган экан бу ерларда.

Шуйтиб, Равшан шу қўргонда Гаждумбекка: — Мана бу ер жебахона, бу ер қўргон, бу ер тўпхона, бу ер фалон, бу ер пистон бўлган экан, — деб ҳаммасини кўрсатди. Шуйтиб кун огиб, Гаждумбек билан Равшанбек шаҳарга қайтиб кетдилар. Кечқурун Гаждумбекнинг ҳовлисига етдилар. Энди гапни туркманлардан эшитинг.

Равшанбекнинг эски қўргонда айтган гаплари секин-секин туркманларнинг қулогига эшитилиб, игнадай гапни туядай қилиб юборишга туркман уста эмасми, қўриқдаги туркманлар орасида «Равшан синчи эмиш, асли Жигалибекнинг боласи-да. Одамлар Жигалибекни ҳам Ёвмитга хон бўлмасдан аввал жуда ҳам отбоз-синчи дер экан. Равшан тоза авлиётоб одам эмиш. Ҳатто бурунги замонда ўтиб кетган отнинг рангларигача билар эмиш», — деган гаплар гуруллаб, ҳангома булиб кетди. Бу гап бориб Хунхор подшонинг қулогига ҳам етди. Дарров вазирлари билан маслаҳатлашиб: — «Гаждумбекнинг озод қилган қули Равшан шундай-шундай синчи эмиш. Унинг синчлигидан фойдаланайлик, уз қўлимиздаги одам», — дейишиб, Хунхор шоҳнинг фармони билан Гаждумбекка: «Озод қилган қули билан бизнинг олдимизга келиб кетсин», — деб одам юборди. Гаждумбек амири подшо вожиб, деб Равшанбекни эргаштириб, Хунхоршоҳнинг хизматига борди. Шунда Хунхор шоҳ Гаждумбекка қараб: — Биз Равшанни синчи деб эшитдик. Агар рухсат бўлса, бизнинг табладаги отлардан тулпор айириб берсин, — деди. Гаждумбек: — Майли, бизлар бир фақирингизмиз, амири подшо вожиб. Нима

десангиз, құлмай чорамиз йүқ, — деди. Хунхоршоқ: — Бұлмаса, сайислар, Равшанни таблахонага олиб боринглар. Отлардан тулпор ажратиб берсін. Кейин қайтариб менинг олдимга олиб кириңглар. Унгача Гаждумбек шунда туради», — деб фармон қылди. Хунхоршоқнинг сайислари Равшанни эргаштириб, подшоликнинг таблахонасиға олиб кирдилар. Хунхоршоқнинг таблахонасида үттіз мінг от қатор боғлоглик турар әди. Сайислар отларни бирма-бир күрсатиб үтаберди. Равшанбек шу үттіз мінг отнинг ичидан учта тулпор танлади. Бир қараача кар от. Агар бир тұхтаса, қайтарилиб чопмай қоладиган. Бири ола от. Кунга қараб чопа олмайдиган. Бири оқ от, тошлоқда чопа олмайдиган. Булардан бошқа отларнинг ҳаммасини тулпор әмас, деб сайислар билан бирга Равшанбек Хунхоршоқнинг хизматига қайтиб бориб: — Шоқим, буюрган фармонингизни бажарыб, отларингизни күриб чиқдім. Үттіз мінг отингизнинг ичіда учта тулпор бор экан. Улар ҳам бұлса айбдор, — деб Хунхоршоқга қараб, бир неча жойдан тимсол келтириб, бир сұз деди:

Куриб чиқдім отларингни бирма-бир.  
Ҳаммаси ҳам жоби экан, султоним,  
Учта тулпор, учови ҳам нұқсанлы,  
Шулар жүйрүктоби экан, султоним.

Учови ҳам чопқыр отни тутолмас,  
Пойга бұлса, пилгасига<sup>1</sup> етолмас.  
Чин тулпор топылса, ундан үтөлмас.  
Шүйтіб бари бекор экан, султоним.

Бекорга боқибсан үттіз мінг отни,  
Шуларман құрыйиб бу мамлакатни,  
Бари ишин құлмас бир тулпор зотни.  
Шүйтіб ишиңг бекор экан, султоним.

Одамларинг от яхшисин билолмас,  
Билгана ҳам уни тулпор қылолмас,  
Бу отларинг, әв келса, дуч бүлолмас.  
Шон шавкатинг бекор экан, султоним.

Бу сұзларни Равшан синчи сұзлади,  
Пастда туриб юқорини күалади.  
Гижиним келгандан авжым құзгади.  
Давлатинг бемадор экан, султоним.

<sup>1</sup> Нишонага.

Бу сўзларни эшитиб, Хунхоршоҳнинг ҳар мурти сихдай бўлиб, қаҳри келиб, илондай заҳри келиб: — Воҳ, ҳали сен туркман, бизнинг отларни, шону шавкат, подшолигимизни камситадиган бўлдингми? Миргазабдар, бу ҳаддидан ошган ўр туркманни боғланглар. Бу озроқ қул бўлгани учун кўзи гилайлашибди, кўзини яхши бир догоғлангар, — деб буюрди. Шунда Гаждумбек Хунхорга қараб:— Шоҳим, мен буни озод қилганимдан қўлимда қозингизнинг қогози бор. Агар бунинг кўзини догоғлатсангиз, хунини тўлайсиз, — деди. Шунда Хунхоршоҳ: — Майли, Равшанинг кўзининг хунини тўлайман, — деб мирғазабларга буюриб, бир оташкуракни оловда қип-қизил қиздириб, Равшанинг икки қўзига оташкуракнинг икки учини бостиради. Равшан бечоранинг икки кўзи оқиб тушиб қолди. Шунда Хунхоршоҳ Равшанга қараб: — Кўзингнинг хунига энди беш юз тилла бераман, — деди. Худди шу палла кўчадан бир йўловчи бир улай-улай деган ориқ чубир отни миниб, оҳиста-оҳиста ўтиб борар эди. Йўловчининг оти асли тулпор бўлиб, боқувини топмай, шундай ҳолга тушиб қолган эди. Равшан кўр бечора, подшонинг саройида ўтириб, кўчадан ўтаётган ҳолвачининг оти тулпор эканини отнинг юриш овозидан таниб, Хунхоршоҳга қараб:— Кўзимнинг хунига шу кўчадан ўтаётган ҳолвачининг отини олиб берсанг, розиман. Беш юз тиллангни олмайман, — деб Равшан кўр Хунхорга бир сўз деди:

Эшит, шоҳим, фақир арзу додини,  
Саҳарлар айтайин ҳақнинг ёдини,  
Ерга ташламасанг оғзим бодини,  
Беш юз тиллангни пима қиласман,  
Олиб бергин ҳолвачининг отини.

Бир ўтар саройингнинг сиртидан,  
Алмасиб сотилган араб юртидан,  
Талаб қилдим, одам юбор ортидан,  
Беш юз тиллангни пима қиласман,  
Олиб бергин ҳолвачининг отини.

Девор орқасидан бир от ўтади,  
Шу чубирни кўнглум талаб этади,  
Беш юз тиллангни нима қиласман,  
Олиб бергин ҳолвачининг отини.

Кўр бўлдим, кўрликдан энди ўласман,  
Кўр бўлсамда отнинг турин биламан,

Ул чубирни беринг, рози бұламан.  
Беш юз тилланған нима қиласын,  
Олиб бергін ҳолвачининг отини.

Равшан күр дер, берсанг күзим хүнини,  
Сийлаб-гийлаб үлай бир от танини.  
Сир күчадан эшитаман унини,  
Беш юз тилланған нима қиласын,  
Олиб бергін ҳолвачининг отини.

Шунда Ҳұнхоршоқ Равшан күрнинг бу сүзини эши-  
тиб: — Үзини сайиссинчи тутган туркман баччагар, ме-  
нинг үттис минг ариллаган аргумоқ отларимдан тулпор  
айира олмай, күзидан айрилиб, әнди үр өгини бермай,  
туркманни синчи десин, деб күчадан үтган ҳолвачининг  
отини тулпор, деб жаврайди. Э, калланғдан туркман,  
улаётганда ҳам от, деб улади. Ақли булмаса, беш юз  
тиллага неча от олади. Оқ өкімас ақмоқ. Кел, үзидан  
күрсін, — деб амалдорларига: — Боринглар, үша күчада-  
ги ҳолвачининг отини бир нима бериб, рози қилиб олиб  
келиб, шу Равшан күрга беринглар, — деб буюрди. Амал-  
дорлар айланиб күчага чиқышса, бир ҳолвачи ориқ, гүш-  
ти-гүштига өпишган, сүяги-сүяигига қапишган, ҳиллангла-  
ган, чұпдай беярашиқ отни миниб, бир хуржун ҳолвани  
ортыб, күча билан иргалдириб бораёттир. Амалдорлар: —  
Ҳолвачи бобо, тұхтанг, — деса, ҳолвачи:

«Булар мени сүроқ қылғани, тошларимни текширгани  
келаёттир», — деб құрқиб қолиб: — Ҳа, болаларим, менга  
шафқат қилинглар. Жұжабирдай жон, бир күн күришга  
шу касбни қилиб юрибман, ҳеч кимга хиәнат қил-  
майман, тошларим ҳам тұғри. Мана бу тошим — чойра-  
ки, бу — нимқарт, буниси — нимчаки, мана буниси —  
касир, бу — бир мисқоллик, — деб довдирағ қолди.  
Амалдорлар ҳолвачига етиб бориб: — Тұхтанг, ҳолвачи  
бобо, бизларнинг тошингиз билан ишимиз йүқ. Бизлар  
подшопикка шу отингизни сүраймиз,— дедилар. Ҳолвачи  
қувониб: — Ҳе, үзи бир үласи от әди. Подшонинг боши-  
дан садақа. Олиб кетинглар, болаларим. Иш қилиб мени  
гұноқкор қылмасанглар, бұлғани, — деб отидан тушиб,  
ҳолвасини ҳам тушириб олиб, отини юган-абзали билан  
амалдорларга берди. Амалдорлар ҳолвачига әллик тилла  
санаб берди. Үмрида әллик тиллани күрмаган ҳолвачи  
нима бұлғанини билмай, бошини эшикка уриб, тешикка  
урив қолди. Амалдорлар ҳолвачининг отини олиб, Ҳун-  
хоршоқнинг ұзурига қайтдилар. Ҳолвачининг күркисиз

отини кўриб Хунхоршоҳ: — Гаждумбек, ол чубирни, тентагингни миндириб кет, — деб хитоб қилди. Гаждумбекнинг қаторидан бир мисқол ҳам қолмай, гинг демай утириб эди, қорабўжининг олдидан қутулгандай дим индамай, урнидан туриб, чубирга Равшан кўрни мингишиб, ўзи чубирни етаклаб, ҳовлисига қайтди. Ҳовлисига келиб тушиб, Ҳилолой ва Гаждумбекнинг аёли, болачақаси, бу мусофири юртида кўрган ҳўрликларига ҳасратлашиб, бир майдон йиглашдилар. Тош қаттиқми, бош қаттиқ, дегандай кўнмай илож борми, кўзда ёш бўлса, йиглатади-да. Ёш ҳам, умид ҳам тугатилгандан кейин киши нимани йиглайди. Шуйтиб, бу бечора туркманлар ҳам кўникиб, тинчлангандан кейин Гаждумбек Равшан кўрга: — Ардисари<sup>1</sup> кўзингдан айрилгандан кейин бекорга Хунхор золимнинг беш юз тилласини олмадинг-да. Бир умр рўзгорингга дастмоя булар эди, — деди. Равшан кўр: — Шу от Хунхор золимнинг беш юз тилласидан аъло, — деб бир неча жойдан тимсол келтириб, шундай деди:

Жуфт тахлаб<sup>2</sup> гапирмак сўзнинг нақшидир,  
Буни айтган қанча шоир-бахшидир.  
Золимнинг тилласин олиб еганча,  
Ора чўлда очдан ўлган яхшидир.

Бу элда хушомад қўшма сўзингга,  
Ҳа демай фарзи қайтар ўзингга,  
Бу ориқ от асли тулпор жонивор,  
Анчлайн деб илмасангда кўзингга.

Чопиши бор учар қушдан зиёда,  
Жимиийгана қарчигайдай қиёда,  
Шу от бор, қолмаймиз Хунхор орада.  
Энди сира хафа бўлма, Гаждумбек.

Шу от бор еткирар Ёвмит злига,  
Даҳ деганда чиқар Бадбаҳт белига,  
Банди этмас қизилбошнинг қулига,  
Энди асло хафа бўлма, Гаждумбек.

Шу от зиёд бунда ўттиз минг отдан,  
Камлиги йўқ ҳарғиз сину синбатдан.

<sup>1</sup> Барибир.

<sup>2</sup> Жуфтлаштириб (мккилик қилиб) айтмоқчи.

Қочса, қутилади ҳар нечук зотдан,  
Энди сира хафа бүлма, Гаждумбек.

Шуни миниб бу ерлардан кетамиз,  
Баланд-баланд белларидан утамиз,  
Үлмасак, тугилгай элга етамиз,  
Энди асло хафа бүлма, Гаждумбек.

Үй-күчимиз барин олиб кетамиз,  
Такали Ёвミтнинг йулин тутамиз,  
Бориб юртимизда маскан этамиз,  
Энди сира хафа бүлма, Гаждумбек.

Қозонга ёndoшсанг, юқар куяси,  
Заҳар-закқум золимларнинг сояси,  
Шу тулпорни мишиб қочиб кетамиз,  
Бу ер мисли аждахорнинг уяси.

Йиглайди Равшан күр, гамгин йиглайди,  
Сенинг ҳам кўзингни бир кун доғлайди,  
Шу от агар тарбиятлаб боқилса,  
Қанча бўлса берган еминиг ҳақлайди,  
Равшан агар мисса шунинг белига,  
Узини Ёвмитта еттан чоғлайди.

— Агар шу отни мен айтгандай қилиб тарбия қилинса, қирқ кунда тайёрланган бир тулпор бўлиб етишади. Ҳолвачи бу отни боқишни билмай, хор қилиб юрган, — деди. Бу сўзларни Гаждумбек Равшан кўрдан эшишиб, узининг ҳам бола-чақаси билан туркманга бориб ватан этгуси, иложи бўлса, шу бадбахт қизилбош золимларнинг юртидан қутилиб кетгуси келиб: — «Бўлса, бўлар экан, бўлмаса ҳамишаги Хунхорнинг ихтиёридалигим», — деб Равшан кўрга: — Майли, айтганинг бўлсин. Лекин сен бир кўр одамсан, менга бу отни тарбия қилишнинг тартибини ўргат, — деди. Равшан кўр: — Отни қирқ кун кун тегизмай, ҳар куни икки коса арпа, бир сатил тую айрони, ичганича сув, тартиби билан беда бериб боқ. Қирқ кундан кейин кўрамиз, — деди. Гаждумбек Равшан кўрнинг айтганидай қилиб отни боқа берди.

Бир кун Гаждумбекнинг шаккоклиги тутиб: «Қани, шу синчимикан, бир билайн», деб жўрттага таблахонасининг тепасидан бир кафтча жойини тешик қилиб қўйиб, отнинг сагрисига гартақкина кун текизиб қўйди. Қирқ кун тамом бўлди. От бинойигина тўлишиб, от суро-

би булиб қолди. Отни Равшанга күрсатди. Равшан күр құли билан сийпалаб, отнинг сағрисидаги күн теккан жойини билиб: — Мана бу ерига құлнинг кафтича күн текизиб құйибсан. Қирқ кунлик мәҳнатынг куйибди. Энди отни бошқатдан қирқ күн күн текизмай боқмасаң, бұлмайди, — деди.

Гаждумбек Равшан күрнинг ҳақиқий сиячи эканлигига қойил булиб, яна бошқатдан отни күн текизмай аввалги тартибда қирқ күн боқди. Қирқинчи куни отни табладан чиқарып, Равшан күрга күрсатди. Равшан күр отни сийпаб күриб: — Энди камлиги қолмабди. Энди ярим кечада бориб, подшонинг қасридан иргитиб кел, — деди. Гаждумбек ярим кечада отни абзаллаб, устига миниб, күча билан подшонинг күшкига бориб, шундай баландга, тепасига қараса, одам телпаги тушгудай. Гаждумбек шунда таваккал, деб отта бир қамчи урган эди, от шарп этиб сакраб күшкнинг нариги ёғига тушди. Гаждумбек қувониб: — Ҳа-ҳа, баччагар, олтин от экансан, — деб отта яна бир қамчи урган эди, күшкнинг бу ёғига дик этиб ошиб тушди. Гаждумбек ҳовлисига қайтиб келиб, воқеадан Равшанни хабардор қилди. Шунгача Хунхор: «Бу туркманларнинг бошқача бир даъвоси борга үхшайди», — деб ҳадик олиб, дарвозаларга маҳсус одамлар құйган эди.

Шундай қилиб, Гаждумбек билан Равшан күр бу кечасига отни шаҳарнинг деворидан иргитиб үтмоқчи, аввал Равшан күрни Бадбахт тогига әлтиб, кейин Ҳилолойни, кейин аёлині әлтиб, барчаси қутилиб кетмоқчи бүлдилар... Кеч кириб, ярим оқшомдан оққандан кейин Гаждумбек отта миниб, Равшан күр мингашиб олиб, Ҳилолой билан Гаждумбекнинг хотинига: — Эртан оқшомгача хотири жам үтира беринглар. Худо үлдирмаса, уч оқшомда Хунхордан буткул қутиламиз. Отимиз ишонимли тулпор, — дейишиб, Гаждумбек билан Равшан күр мингашиб ҳовлидан чиқиб кетдилар. Ҳилолой мәхрли күзи билан Гаждумбек ва Равшан күрга ялт этиб бир қараб, дарвозасини қамаб қола берди. Энди гапни Хунхор шоқнинг айгоқчисидан эшитинг.

Айгоқчи айёр қоронги кечада күчадан сувдай оқиб бир отта мингашган иккита кишининг үтганини күриб, дарров миршаббоисига хабар берди. Миршаббоши дарров Хунхоршоға: «Бир илдам отта икки одам мингашиб, күча билан шамолдай үтиб кетди», — деб хабар берди. Шунда Хунхоршоқ ҳар мурти шопдай, ўрти күх-

на қопдай булиб, құшин бошлиғига: — Уттиз минг аскарни олиб, ҳозирнинг үзида шаҳарни үраб ол. Бундай бема-халда менинг шаҳрим күчасида мингашиб юрган ким. Мабодо Гаждумбек туркман билан ҳалиги синчиман деган үр-тиқ<sup>1</sup> бұлмасин, — деб фармон қылди. Құшин бошлиғи үттиз минг аскар билан шаҳарни үрашга отлана берсін. Энди Гаждумбек билан Равшан күрга келсак, аллақачон шаҳарнинг түққиз пахса деворидан отини иргитиб йулга тушгандан кейин Равшан Гаждумбекка: — Энди отнинг жиловини үз кетишига қилиб қўйинг, отни үз ҳолига қўймай қистаманг, — деб шу сўзни айтиб бораёттир:

Тарк этайлик Хунхор мамлакатини,  
Илоҳим, кўрмайлик душман зотини,  
Жиловин бушатгии энди, Гаждумбек,  
Курмак бўлсанг, кўринг тулпор отини.

Эшит, Гаждум ога, Равшан тилини,  
Шундан кўала Бадбаҳт тогнинг белини,  
Насиб қылса, кўчиб бориб қурайлик,  
Лоладай яшнаган туркман элени.

Жундан ҳайды, асло теалик истама,  
Үз ҳолидан оша отни қистама,  
Шундай дамда аё, ога Гаждумбек,  
Басваса уйларни ҳаргиз эслама.

Ишонгин Куктемир отнинг кучига,  
Юришин кўзлагин тогнинг учига,  
Гайрат қилиб чошттоҳ тушга етишиб,  
Беркинайлик бир чўнголнинг ичига.

Қулоқ сол, Гаждумбек, Равшан зорига,  
Илоҳим, қолмайлик ёвнинг орига,  
Қани бир кўр ҳолвачининг отини,  
Жундан ҳайдаб, қўйгин ихтиёрига.

Шунда Гаждумбек Равшан кўрдан бу сўзни эшитиб, отнинг жиловини бушатиб, Бадбаҳт бели томонга тўгрилаб, үз ҳолича қўйиб юборди. Жонивор от худди юлдуздей оқиб ҳайдаб кетди. Шундан ҳайдаб, Гаждумбек билан Равшан кўр тонг бўзарай деганда, Бадбаҳт тогига

<sup>1</sup> Үз сўндан қайтмас.

яқинлашиб қолдилар. Шунда Равшан кўр Гаждумбекка:  
— Қани, бир Хунхор томонга назар ташлаб кўр-чи,  
тинчликмикан, — деб шу сўзни айтди:

Курман, кўринмайди ҳеч эот кўзима,  
Тогда ел урилар келиб юзима,  
Энди боқ, Гаждумбек, менинг сўзима,  
Хунхор элга қара, у ён тинчликми?

Баҳоркордан келар тўргай садоси,  
Узоқлашган үхшар Хунхор ораси,  
Кўринмайди ҳеч ниманинг қораси,  
Хунхор элга боқ-чи, у ён тинчликми?

Юзга яхтай тегар тогнинг шамоли,  
Йулиқсин бизларга бахтнинг жамоли.  
Замона бўлмайди оғетдан холи.  
Хунхор элга боқ-чи, у ён тинчликми?

Суз айтаман, ҳар на келса тилимга.  
Ғайрат камаримни бўтдим белимга,  
Шу топда ваҳима тушди дилимга,  
Хунхор элга боқ-чи, у ён тинчликми?

Ҳилолойман янгам қолди Хунхорда,  
Кечгача омонат гайри дидерда,  
Тоқат йўқ унгача сену мен зорда.  
Хунхор элга боқ-чи, у ён тинчликми?

Юрагим ҳавл олиб, дурсиллаб ёнар,  
Шу ёқмоқлик билан ажаб уртанаар,  
Куз ёшим дарё бўп дурни қизганар,  
Хунхор элга боқ-чи, у ён тинчликми?

Равшан шўрли ожизлиқдан оҳ урар,  
Дустлар дийдорини маҳшарда кўтарар,  
Юрагим ўзидан ўзи ҳавл урар.  
Хунхор элга боқ-чи, у ён тинчликми?

Шунда Гаждумбек отнинг жиловини тортиб, бурилиб Хунхор шаҳри томонга қараса, бир қора тўсанг босиб келаяптики, ҳеч қўйинг. Шунда Гаждумбек бу не деган сир булди, деб қўрқиб, Равшан кўрга қараб, бир сўза деди:

Қибла бетни босмиш қопқора түзөн,  
Вилмайман бердими маҳшардан нишон,  
Бир ёмон аломат күрдим, Равшанжон,  
Қибла бетдан келган туман не бўлди?

Булутдай қорайиб уфқни тутди.  
Юқори урлади, дўнгларга етди,  
Юрагим бир ажаб ҳавл олиб кетди,  
Қибла бетдан келган туман не бўлди?

Е булибди қиёматдан нишона,  
Худойим бергайди бизга омон-а,  
Кам-кам яқинлашиб келар бу ёна,  
Қибла бетдан келган туман не бўлди?

Сўз айтаман турқимизга муносиб,  
Илоҳим, бизларга етмасин осиб,  
Кам-кам яқинлашиб келмақда босиб,  
Қибла бетдан келган туман не бўлди?

Булут келар чўқторилиб тиркашиб,  
Соат сайни қалинлашиб буркашиб,  
Кам-кам яқинлашар дўнглардан ошиб,  
Қибла бетдан келган туман не бўлди?

Бу қандай ваҳима, бу қандай офат,  
Ишқилиб бир ёмон белги-аломат.  
Гаждумбек дер магар бўлмиш қиёмат,  
Қибла бетдан келган туман не бўлди?

Шундай Равшан кўр Гаждумбекдан бу сўзни эшитиб:  
— Бўлмаса, бизни арвоҳ урибди. Бирор баччагар бизни курибди. Дарҳол Хунхоршоҳга хабар берибди. Хунхоршоҳ орқамиздан қўшин юборибди. Бу тўзанг Хунхоршоҳнинг қўшинларининг от туёғидан чиққан чанг. Энди, Гаждумбек ога, иш кунглумиздагидай бўлмай, чапга тушибди. Ҳилолой билан янгамга бора олмайсан. Тақдир шу экан. Ога, энди улар Хунхорда кўзидан осилиб қоладиган бўлди, — деса, Гаждумбек қўрқиб кетиб: — Равшанжон, сен Ҳилолой билан янгангнинг ҳасратини ейсан, ҳали ўзимиз нима бўламиз, ҳализамон қўлга тушиб уламиз, — деб қалтирай берди. Шунда Равшан кўр Гаждумбекка:— Ога, энди нима бўлса, бўлди, қўрқма, ўзимизни бу от қутқаради. Нима бўлса ҳам шундай индамай қочиб кетганча, шу ерда тўхтаб тўрайлик. Хунхорнинг

құшини келгандан кейин уларга мана турибмиз, отинг-  
га ишонсанг, қувиб етиб ол, деяйлик. Барыбир етол-  
майди. Шуйтиб, нима бұлса ҳам қизилбошларни бир  
ұасратда қолдириб кетайлик, — деди. Гаждумбек Рав-  
шан күрнинг бу сүзини әшитиб, ноилож отнинг жило-  
вини сақлаб турди. Бир пилла Хунхоршоңнинг ўттис  
минг құшини от йүрттиришиб, Гаждумбек билан Рав-  
шан күрнинг яқинига етиб келди. Шунда қизилбош-  
нинг саркардаси олдинга чиқиб: — Ҳа, туркманлар, қо-  
чиб қутилган жойларинг шу ерми? — деса, Равшан күр-  
қизилбошнинг саркардасига қараб, бир сұз деди:

Гайри дин қизилбош, қолма армонда,  
Орқамдан ета олсанг, ҳайда отингни,  
Етолмадим дема, бұлма дармонда,  
Қувалаб тута олсанг, ҳайда отингни.

Қойил эмасман баҳорингга, ғазингга,  
Туркман күринами сенинг күзингга,  
Амр айла ҳар қандай чавандозингга.  
Орқамдан ета олсанг, ҳайда отингни.

Отларинг түқол, ғл-думи кузами,  
Минг боққанман ҳарғыз үзин тузами,  
Тулпордан ҳеч замон жоби узами,  
Қувалаб тута олсанг, ҳайда отингни.

Кеттанча йұлларинг хатардан хатар,  
Оting яхши бұлса, қувишиб етар,  
Қачон жоби чопса, тулпордан ўтар,  
Орқамдан ета олсанг, ҳайда отингни.

Булбул ошна бұлар богнинг гулиға,  
Ҳар бир сұзлар келар Равшан тилиға.  
Ана бизалар кетдик ғымит злиға,  
Қувалаб тута олсанг, ҳайда отингни.

Бу сұзни саркада анда әшитди,  
Гулдираб, қизариб, туташиб кетди:  
Баччагар туркманни дарров тутинг, деб  
Құшинининг барласынга амир этди.

Лоловлашды қизилбошлар ҳайларириб,  
Құва кетди туркманларни от суриб,  
Бұп қолди қиёмат, қий-чув, түполон,  
Бир хил тентакларнинг оғзи күпириб.

Гаждумбек ҳам энди құйды жиловни,  
Нишонага олиб Бадбахт товни,  
Жонивор тулпордай оти диккиллаб,  
Орқада қолдирди қувлаган ёвни.

Жонивор Күктемир елдай елади,  
Кам-кам чопган сайин илдам булади,  
Жами душман қолиб кетиб орқада,  
Лекин уч от ҳали қувиб келади.

Не ишларни күрмас одам боласи,  
Шунда ҳам бузилмас күнгил қалъаси.  
Жимийиб яқинлаб қолди, өронлар,  
Келаёттан уч тулпорнинг оласи.

Шунда Равшан күр Гаждумбекдан: — Орқамизда бир отнинг шобири келаёттир, у не тусли от? — деб сўради. Гаждумбек: — Узи ола, бўйни тиккатоб, ўқдай бир бало, — деди. Равшан уни дарров эслаб: — Бўлмаса, қуёшга қараб ҳайдা, — деди. Гаждумбек Кўктемирнинг жиловини дарров қуёшга буриб ҳайдаган эди, ола тулпор шафақ экан, қуёшга қараб чопа олмай, орқада қолиб кетди. Энди икки от қувиб келаяпти. Бу икки отнинг бирори оқбўз от эди. Шу оқ бўз от юлдуздай оқиб, Гаждумбек билан Равшанга етай-етай деб қолди. Равшан күр яна Гаждумбекдан: — Орқамизда бир отнинг шобири чиқади. У қай тусли от? — деб сўради. Гаждумбек: — Оқ бўз, бамисоли юлдуз, — деди. Равшан кўр бу отни ҳам эслаб: — Бўлмаса, тошлоққа қараб ҳайда, — деди. Гаждумбек Кўктемирни тошлоққа қараб ҳайдаган эди, Оқбўз отнинг оғги тошга ярамас эди. Тошлоқда оғгини тош иргаб оқсаб, у ҳам орқада қолиб кетди. Гаждумбек отни ҳайдаб, энди Бадбахт тогининг тубига келиб қолганда, ҳалиги орқада келаётган бир от қувиб етишиб қолди. Шунда Равшан кўр Гаждумбекдан яна: — Орқамизда бир отнинг шобири бор, у не тусли от? — деб сўради. Гаждумбек: — Қора човкар, товуши заҳар, узун бўгин, — деди. Равшан кўр: — Агар шу от қора кўкиш бўлганда, бизни қувиб етар эди. Бунга шу ерда Кўктемирни бир тўхтатиб, кейин ҳайдаб юборсанг, иложи шу, — деди. Гаждумбек Кўктемирнинг жиловини таққа тортиб тўхтатган эди, қора човкар етишиб келиб, у ҳам таққа тўхтади. Гаждумбек отни ҳайдаб юборган эди, Қора човкар шу тўхтаганича тўхтаб, қолиб кетди. Шўйтиб, Гаждумбек билан Равшан кўр душманинг қувгинидан қутилиб, Бадбахт тогига чиқиб кетди.

Бадбаҳт тогининг бу бетини Асқар тоги дер эди. Шу тогнинг бу ёғида туркманлар элати эди. Гаждумбек билан Равшан кўр тоғдан ошинқираб, бир яйпонга тушиб, Қуктемирни ўтга қўшиб, дам олишиб, Ҳилолой билан Гаждумбекнинг хотини Хунхорда қолиб кетганига ҳасрат ва надомат қилиб, йиглашиб ётдилар. «Бош қаттиқми, тош қаттиқ», «Бошга тушганни кўз кўрар», деб Гаждумбек билан Равшан кўр кўнинмакдан бошқа илож топмай, шу тогда оқшомни ўтказдилар. Эрта билан Гаждумбекнинг ўзидан-ўзи бир оз ичидан санчиқ бўлиб чиқди. Дарров яна иккови мингашиб, тогдан бериги бовурга тушиб, текисликда тулпор оёғида кечгача юриб, кўкланг деган туркманлар уругидан ўтиб, такани оралаб, Ёвмитга етдилар. Кечқурун бир ерга келиб тушмакчи бўлдилар. Шунда Гаждумбек мени отдан суюб ол, деб бир сўз айтди:

Қизил гуллар очилмайин сўлибди,  
Ё билмайман поймонам ҳам тулибди,  
Тақдир ҳукми билан Ёвмит элига  
Гаждум оғанг тупроқ тортиб келибди,  
Аста мени суюб олгин, Равшанжон.

Иситмалаб, қорним кўпчиб боради,  
Кўзимнинг зиёси учиб боради,  
Бошим огиб, мазам қочиб боради.  
Аста мени суюб олгин, Равшанжон.

Тиззамда қолмади кучим-мадорим,  
Ташна бўп тугади сабрим-қарорим.  
Мазам қочиб ҳеч қолмади оҳорим,  
Аста мени суюб олгин, Равшанжон.

Бошимни кўтарсан, айланар ажаб,  
Пита, тошлар парак бўлиб булдираб,  
Тупроқ тортиб Ёвмит келган уҳшайман,  
Тақдир баҳона сабабдан сабаб.  
Аста мени суюб олгин, Равшанжон.

Албатта дунёга устун бўлмайман,  
Чирогим, рози бўл, тирик қолмайман,  
Эсим огиб, ақл-ҳушим билмайман,  
Аста мени суюб олгин, Равшанжон.

Улуг дедим оstonага бош урдим,  
Сирим айтмай ганимлардан яширдим,

Уалигимни, таслим бўлмай наилайин,  
Айвал худо, дуюм сенга топширдим.

Равшан ўзи кўзи кўрмас мунггадак<sup>1</sup>,  
Гаждумни тушириди базур, бўп ҳалак,  
Тушиб туриб мажкол қолмай бечора,  
Етта берди ерга дастингдан фалак.

Найласин, шу ерда юм-юм йиглади,  
Ҳасрат-армонларман багрин доголади,  
Таслим бўлмай нетсин почор бандаси,  
Энди ўзин ўлмакликка чоғлади.

Қора кўзли ёрим душман злида,  
Не армонлар бордир синглим дилида,  
Деб оғзини кашпа очиб бечора,  
Ҳасанбек, деб тақрор айтиб тилида.

Узоқ-узоқларга кўзи сузилди,  
Куада ёши мунчоқ-мунчоқ тизилди,  
Равшан кўрнинг тиззасига бош қўйиб,  
Шуйтиб Гаждумбекнинг жони узилди.

Ҳай аттанг, Равшанга бўлди қиёмат,  
Дод айлаб чекади оҳу надомат,  
Куллиидан қутқарган Равшан шурлини  
Қайёқдасан энди Гаждум валламат.

Равшан ўзи кўзи ожиз фидойи,  
Ҳам кўришнинг, ҳам ёрининг гадойи.  
Бу кимсасиз чўлда нима қиласди,  
Не савдога дучор этди худойи.

Кишинайди Кўктемир ақли-эси бор,  
Равшанинг шу отдан бошқа неси бор,  
Кўзсиз сувори бўп қайга боради,  
Бу даланинг баланди бор, паси бор.

Кимсасиз бу чўлда нола қиласди,  
Билмайди, оқибат нима бўлади,  
Яратсанга айлаб Равшан муножот,  
Шунда бирор келмаклигин тиласди.

---

<sup>1</sup> Ожиз, бечора.

Шүйтіб, Равшан күр Гаждумбекнинг жасади олдида ҳайрон бұлиб үтирганида, учта бозорга бораётгандар шу ерга келиб қолиб, Равшан күрга өрлашиб, йұлнинг бопшидан битта гүр ковлашиб, улай-булай қилишиб, Гаждумбекни расмлаштириб, шунда күмдилар, Равшан күр бозорчилардан үзининг Жигалибекнинг үгли ва Гаждумбекнинг Оғалибек үгли эканини яшириб, Қизилбошга асир тушиб кетган туркманларданмиз, қочиб кетаяпмиз, деб құяқолди. Равшан күрнинг күнгли учун уч бозорчи шу ерда тунашиб, эрта билан Равшан күрни үз отига миндириб, отни етаклашиб, чошка вақтида Евмитнинг бозорига етиб келдилар. Равшан күр үйлаб: «Ардисари ишим чапга сүққан бахтесiz йигит чиқдим. Энди туркманга келдим, нима бұлдим. Менга от энди нима керак», — деб ҳалиги бозорчилар билан от бозорига бориб, Құктемирни харидорнинг сұраганига сотиб юборди. «Гаждумбек нималар құлмаган, энди унинг йулида худойи, хайрия қилиб, дастурхондан әлга ош бераман десам, күзим йүқ, үзим бир мунггадак бұлсам. Кел, худо күрмас жой йүқ. Шу отнинг пулини бозорда сочиб юборай, буюрган кишилар олар», — деб тангаларини от бозорида сочиб юборди.

Туркманда бирор воқеани тезда унитиб юбориш одати бор. Шүйтіб, Равшан күрни ҳеч ким Жигалибекнинг үгли эканлыгини билмай: «Бу бир ажойиб савдойи дарвиш әкан», — дейишиб, Равшан күрга: — Сен художүй бұлсанг, хонақоға бор, — деб әргаштириб, бировла-ри хонақоға келтириб құйдилар. Ана шүйтіб, дарвишнинг бошқа ватани йүқ, Равшан күр шу хонақода қолди. «Мен энди бу шайхларнинг овқатига текингина шерик бұлмайын», — деб, самоварда дамловчи бұлиб шу хонақода бир үлмас кунини утказа берди. Энди Ҳилолойдан сұзни әшитинг.

Ҳилолой билан Гаждумбекнинг хотини бир неча кун Равшанбек билан Гаждумбекнинг йұлиға қараб, охири шаҳарға келған баъзи туркманлардан воқеанинг анигина әшитиб, жуда ҳам ғамғин булишиб үтирганларида, Ҳасанбек кириб келди. Шунда Ҳилолой шұрлы Ҳасанбекни күриб, тұлиб үтирган әмасми, бирдан дод, деб йиглаб, Ҳасанбекка қараб бир сұа деди:

Қабо фалак жафо солди бошима,  
Душман огу құшди ичган ошымы,  
Янғам йүлдош бұлди күзда өшіма,  
Туганмас савдога қолдим, акажон.

Шумлигимдан қайгу келди бошима,  
Дард ўти туташди ичу ташима,  
Холим сұраб ҳеч ким келмас қошима.  
Шундай можарога қолдим, акажон.

Гайри юртда мойтариlldим, тайрилдим.  
Уча билмай қанотимдан қайрилдим.  
Ҳам оғамдан, ҳам тұрамдан айрилдим.  
Дарди бедавога қолдим, акажон.

Шаҳар ичида нелар үтди, билмадинг.  
Е билсанг ҳам унда парво қилмадинг.  
Бури уясида улоқдай бүп boglаниб.  
Синглинг қолди күзи тұрт бүп, келмадинг.  
Ғам ютиб жафога қолдим, акажон,

Ҳилолой зор йиглар бунда нотавон,  
Бошимни қоплади айролиң туман,  
Дунёда жудолик жуда бир ёмон.  
Ҳажр отли балога қолдим, акажон.

Ҳасанбек «Гаждумбек билан Равшан қочиб, орқасидан үттис минг Хунхоршохнинг құшини қувалаб, улардан қутилиб кеттган әмиш. Равшанни Хунхоршоқ күр қилиб құзининг хунига бир от берган экан, у от тулпор чиқибди. Шүйтіб, Гаждумбек билан Равшан күр Қизилбошларни тоза армона қолдириб кетибди», — деб әши-тиб үтирганида, Хунхоршоҳдан Ҳасанбекка одам бориб, «Гаждумбекнинг бола-чақасини олиб кетсін. Ҳовлиси, моли подшоликка олинди», — деган хабарни етказди. Ҳасанбек бундай ҳодиса-жабарни әшитиб, Ҳилолойни ва Гаждумбекнинг ағлини құриққа күчириб кетиш учун иккі түя билан дарров жұнаб, Гаждумбекнинг ҳовлисига етиб келган эди. Ҳилолойнинг бу нолишини әшитиб: — Хафа бұлма, бұлар иш бұлибди. Энди дод-вой қилганинг не фойда. Гаждумбек бұлмаса, мен бор. Сенга Гаждумбек ҳам, мен ҳам бирдаймиз. Балким ҳали бир сабаб бұлиб үзимиз ҳам вакти-соати қелиб, Евмитта борармиз. Худо үлдирмаса, ұшанда бир-биrimizni күрармиз, — деб Ҳилолой билан Гаждумбекнинг хотинига дилдорлик бериб, түяга миндириб, қуриқдаги туркман овулига олиб кетди. Қуриқда Ҳасанбек бу икки муштипарни ҳам рұзгорига құшиб, катта оила бұлиб яшай берди.

Ҳилолойнинг бўйида ҳомила бор эди. Тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз минут ўтиб, Ҳилолойга тўлгоқ пайдо булиб, жуда тўлгоғи қаттиқ булиб, қийналиб, гоҳ үзини билиб, гоҳ үзидан кетиб алаксиб, сандираб, Равшанни йўқлаб, Равшан қўлимдан тут, деб шу сўзни айтди:

Ҳар доим толиқдим, тутгин қўлимдан,  
Қувватим-мадорим кетди белимдан,  
Йироқлашмасдинг-ку менинг олдимдан,  
Куринмайсан, қаёқдасан, Равшанжон.

Вафо деган шундай-шундай бўлами,  
Еридан үзини йироқ қиласми,  
Ё бунда киришни уят билами,  
Товушинг йўқ, қаёқда сен, Равшанжон.

Доимо айладим сенга вафони,  
Ўзинг билан кўрдим завқу сафони,  
Лозим кўрасанми менга жафони,  
Йўқса агар қиёматдасан, Равшанжон.

Е кетган әдингми акамман овга,  
Томоша қилгани Бадбаҳтдай товга,  
Меҳрим айлар сенга битта ул совга,  
Ҳа демайсан, қаёқдасан, Равшанжон?

Мен эдим муштипар, мунглиқ, бечора,  
Тортқираб айлади момо овора,  
Раҳм айласангчи бунда мен зора.  
Билмайсанми, қаёқдасан, Равшанжон.

Эшиттин Ҳилолойнинг оҳу зорини,  
Олдингда сарф этсин ҳарна борини,  
Одам шўйтиб ташлармикан ёрини,  
Билмай қолдим, қаёқдасан, Равшанжон.

Шу аҳволда Ҳилолой қийналиб, туголмай, охир и ҳалок бўлди. Ҳасанбекнинг кўзи қоронгилашиб, оғир мусибатга қолди. Ҳилолойнинг таъзиясига қўриқдаги барча туркманлар йигилиб келди. Ҳаммасининг мусофири бу юртда мотами янги бўлиб, кечқурун Ҳилолойни тупроққа топшириб қайтдилар. Шундай қилиб, туркманлар Ҳасанбекникида Ҳилолойнинг ошу сувини қилиб, тарқалишдилар.